

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ**

**БОЛАЛАРДА ПЛАСТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН  
ШАКЛ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МАЛАКАЛАРИНИ  
ШАКЛАНТИРИШ**

**Тарбиячилар учун илмий-методик қўлланма**

**Тошкент-2015**

**УЎК - 372.212.3**

**КБК - 74.104**

**С 255**

Сулаймонов А. Мактабгача таълим муассасаларида ҳайкалтарошлик машғулотлари. Болаларда пластик материаллардан шакл ҳосил қилиш малакаларини шакллантириш. Тарбиячилар учун илмий-методик қўлланма. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2015. – 112 б.

Қўлланма Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилаётган Ф1-ҚХ-17694 рақамли “Тасвирий фаолият машғулотларининг янги мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишининг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот материаллари асосида тайёрланган бўлиб, унда, асосан, мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гурухларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотларининг мақсади ва вазифалари баён этилган; ҳайкалтаршлик машғулотларининг турлари, қўлланиладиган жиҳозлар ва материаллар тавсифланган; ҳайкалтарошлик машғулотлари мазмунини белгилашнинг педагогик хусусиятлари очиб берилган; болалар томонидан бажариладиган пластик ишларнинг тавсилотлари юзасидан методик тавсиялар берилган. Шунингдек, қўлланмада намунавий машғулот ишланмалари берилган.

Қўлланма мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, шу йўналишда таълим олаётган касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларига мўлжалланган.

Машғулот ишланмаларини тайёрлашда Г.Амированинг материалларидан фойдаланилди.

**Тақризчилар:**

Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, педагогика фанлари доктори, профессор **Р.Ғ.Сафарова;**

Низомий номидаги ТДПУ “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди **Н.Толипов;**

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги “Камол авлод” номли 269-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси **Ф.Н.Насирханова.**

**ISBN 978-9943-982-05-5**

Қўлланма Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий кенгашининг 2015 йил 26 майдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

*Ҳайкалтарошлиқ ўзида тасвирий санъатнинг  
барча турларини мужассам этади.  
Шунинг учун ҳайкалтарош асарни яратиш учун  
мөъмор, ёргуғ ва сояларни тартибга солиш учун  
рангтасвирчи, деталларни зарб этиши учун заргар  
бўлмоги лозим.*

**Эмиль Антуан Бурдель**

*Қўллар бўюмнинг шаклини қўзга нисбатан бошқачароқ  
ва тўлиқроқ англайди. Чунки биз қўларимизни  
бўюмнинг қўздан йироқ ва яширин  
сиртларига қўйишимиз мумкин.*

**М.Н. Сеченов**

## **КИРИШ**

Ҳайкалтарошлиқ тасвирий санъатнинг энг қадими турларидан биридир. Бундан кўп минг йиллар аввал яратилган турли шакл ва кўринишдаги ҳайкалтарошлиқ намуналари тарихий реал воқеликлар, машҳур кишиларнинг ҳаётидан, инсоният тарихи билан боғлиқ бўлган афсона ва ривоятлардан ҳикоя қиласиди. Милоддан аввалги 1400 йилларнинг бошларида Мисрда яратилган Нефертити ҳайкали (1-расм) ҳали хануз гўзаллик рамзи сифатида эътироф этиб келинади.


Ҳайкалтарошлиқ Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида ҳам унинг энг қадими ва бой тури хисобланади. Қадими масканлар - Фаёзтепа, Далварзинтепа, Кампиртепа, Айритом, Афросиёб ҳаробаларидан ҳайкалтарошлиқнинг турли намуналари топилганлиги бу санъат тури жуда қадимилигидан дарак беради.



1-расм. Нефертити ҳайкали.

Инсоният тарихи, унинг оламни англашга, ундаги воқеликларни тарихга муҳрлашга интилиши ҳайкалтарошликни тасвирий санъатнинг муҳим тури, ижодий фаолият соҳаси сифатида шаклланиши ва ривожланишида намоён бўлди. Шу маънода болаларга ҳайкалтарошлик намуналари мисолида жаҳон санъати тарихидан сабоқ бериш уларни маънавий-интеллектуал, бадиий-эстетик дунёқарашини шаклланишида муҳим ўрин тутади. Зоро, айнан ҳайкалтарошлик намуналарида тарихий воқеликлар, таникли тарихий шахсларнинг образлари инсоният тарихида мангу муҳрланган. Машхур ҳайкалтарош Пьер Жан Давид д'Анже таъбири билан айтганда, ҳайкалтарошлик инсонга мангулик бахш этади. Агар

ҳайкалтарошнинг исканаси бўлмаганида келажак авлод қанчалар одамларни унтиб юборган бўлар эди. Ҳайкалтарошнинг бадиий тафаккури, гениаллиги, хаттоти борлиқдаги материяни ўзгартиришга қодир. Кечагина ерда ётган ва оёқларимиз билан топтаётган тош эртанги кунда ҳайкалтарошнинг ижодий меҳнати туфайли тарихга дахлдор бўлган санъат асарига айланиб одамларнинг эҳтиромига сазовор бўлади.



2-расм. Давид ҳайкали.

Инсоният тарихи ва унинг бугунги кунини ҳайкалтарошлик намуналарисиз тасаввур этиш қийин.

Юртимизнинг йирик шаҳарларининг марказий жойларида, ҳиёбонларида буюк шахсларнинг сиймолари акс эттирилган ҳайкаллар орқали биз Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз билан таниш бўламиз. Шунингдек, яқин ўтмишдаги аждодларимиз - Абдулҳамид Чўлпон,Faфур Гулом, Ойбек, Абдуллар Қаҳҳор, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирийларнинг бадиий образларини тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотлари бола шахсини шаклланиши, онгли фаолият юритиш малакаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳайкалтарошлиқ машғулотларида энг фаол ишлатиладиган аъзоларимиз - қўл (бажарувчи) ва кўзимиз (кузатувчи, жараённи назорат қилувчи) ҳисобланади. Айнан бармоқ учларидаги сезги органлари бош миянинг нутқни шаклланишига таъсир этувчи марказ билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳайкалтарошлиқ машғулотлари болаларда бадиий-эстетик мазмундаги билим ва амалий малакаларни шакллантириш билан бирга уларда нутқни яхши ривожланиши, фикрлаш, нафис дифференциал ҳаракатларни координация қилиш имкониятларини оширади. Қолаверса, болалар лой ёки пластилин каби пластик материаллардан шакл ясар экан, ҳосил бўлаётган ҳажмдор буюм пластикасидан эстетик завқ олади. Натижада боланинг бадиий қобилияти, интеллекти барқарор тарзда шаклланиб, ривожланиб боради. Таникли педагог В.А.Сухомлинский

хайкалтарошлик машғулотларини боладаги иқтидорни рүйбәгә чиқаришдаги ақамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда болаларнинг ижодий қобилияtlари ва иқтидорлари уларнинг бармоқлари учида эканлигини таъкидлаб ўтган.

Таълим тарихидан аёнки, тасвирий фаолият, хусусан ҳайкалтарошлик машғулотлари болаларда бадиий-эстетик дидни шакллантиради. Бу сифат уларнинг истиқболдаги ўқиш ва меҳнат фаолиятида муҳим ақамият касб этади. Ҳайкалтарошлик машғулотлари болаларда кўрган, идрок қилган воқеа ва ходисаларни, кузатилган ва таҳлил этилган буюмларни ҳар томонлама тасаввур этиш имкониятини тақдим этади. Натижада, бола катта ёшида у қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар сифатлироқ, самаралироқ фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасаларида ҳайкалтарошлик машғулотларига алоҳида эътибор қаратиш нафақат болаларда бадиий-эстетик йўналишдаги қобилияtlарни ривожлантириш, балки уларни мактаб таълимига тайёрлашнинг самарали воситаси сифатида ҳам эътиборлидир.

## **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Мактабгача ёшдаги болаларда оламни англаш, ўрганишга қизиқиши ҳамда уларнинг ижодий қобилияtlарини шакллантиришнинг энг қулай ва самарали турларидан бири, шубҳасиз, ҳайкалтарошлик

машғулотлариdir. Бу турдаги машғулотларда болаларда ижодкорлик күнікмаларини таркиб топтириш билан бир қаторда мактаб таълимида муҳим аҳамият касб этувчи қўлларнинг майдада моторикасини ривожлантириш жараёни кечади. Шунинг учун ҳам ҳайкалтарошлиқ машғулотларида муайян дидактик вазифалар қўйилади. Унга кўра, ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг **мақсади**, биринчи навбатда, болаларда ижодкорликни шакллантириш, уларда ҳайкалтарошлиқ соҳасига оид техник ва ижодий малакаларни таркиб топтириш орқали тасвирий санъатга, умуман гўзаллик намуналарини яратишга қизиқиши, рағбатни тарбиялашдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотларида куйидаги ўқув-тарбиявий **вазифалар** ҳал этилиши назарда тутилади.

1. Болаларни борлиқдаги буюмларни ҳажми ва бошқа параметрларини кўриш ва ҳис қилиш(кўл бармоқлари орқали)га ўргатиш.

2. Болаларда ҳайкалча ясашнинг турли ифодавий воситаларидан фойдаланишга оид техник ва ижодий малакаларни шакллантириши.

3. Ҳайкалтарошлиқ асбоб-анжомларидан ўринли фойдаланиш малакаларини таркиб топтириш.

4. Берилган мавзуга мос тасвир (ҳайкал) ясаш малакаларини шакллантириш.

5. Атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисларни кузатиш, идрок этиш орқали ҳосил бўлган таассурот ва тасаввурлар асосида мустақил композиция яратишнинг дастлабки малакаларини тарбиялаш.

6. Бажарган ишларини мазмунини шарҳлай олишга ўргатиш.

7. Жамоа бўлиб ишлаш кўникумаларини тарбиялаш воситасида болаларда коммуникативлик компетенцияларининг дастлабки элементларини таркиб топтириш.

8. Тасвирий фаолият жараёнида болаларни тартибли ишлаш ва гигиеник қоидаларга риоя қилишга ўргатиш.

Юқорида санаб ўтилган мақсад ва вазифалар бир асосий мақсадга - тасвирий фаолият воситасида болаларни мактаб таълимига тайёрлашга йўналтирилади. Шунинг учун тарбиячилар бу таълимий ва тарбиявий жараёнга комплекс тарзда ёндашишлари талаб этилади. Зоро, тасвирий фаолият машғулотларида фаолиятнинг бошқа турлари билан узвий алоқадорликда жараёнга интегратив ёндашиш фаолиятнинг сифатли ва самарали кечишини таъминлайди.

## **ҲАЙКАЛТАРОШЛИК - ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ СИФАТИДА**

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотлари тизимида ҳайкалтарошлик машғулотларига кенг ўрин ажратилган. Чунки ҳайкалтарошлик машғулотлари мактабгача ёшдаги болаларда мактаб таълими учун керакли тасаввур, амалий малакаларни таркиб топтириш учун қулай фаолият тури ҳисобланади. Таникли ҳайкалтарош И.Я.Гинцбург ҳайкалтарошликтининг таълими аҳамиятини таърифлар

экан, математика фанини ўрганиш учун арифметика қандай рол ўйнаса, ҳайкалтарошлиқ тасвирий санъатни ўрганишда шундай аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган. Чунки тасвирий фаолиятнинг бошқа турларида буюмларнинг айрим деталлари, элементлари (масалан, перспектива қонуниятига кўра буюмларнинг кўриниши, умуман борлиқнинг визуал образи) ўзгариб кетади. Натижада тасвирий санъат асарини тўлақонли идрок этиш ва муайян қонуниятлар асосида тасвирлаш учун тасвирдаги иллюзияларни англаш талаб этилади. Ҳайкалтарошлиқда уларни яққол кўриш, тасвирлаш имконияти мавжудлиги боис болаларни нисбатларни тўғри талқин қилиш, асосийни иккинчи даражалидан ажратишга ўргатиш жараёни осон кечади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасаларидаги ҳайкалтарошлиқ машғулотларига болаларда буюмлар ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш, уларни “ўқиши алифбоси” сифатида қараш лозим.

Ҳайкалтарошлиқнинг бош мавзуси, шубҳасиз, инсон образидир. Бироқ инсон образини тўлақонли очиб бериш учун ҳайкалтарошлар борлиқдаги бошқа буюм ва деталларни ҳам тасвирлайдилар.

Тасвирий санъатнинг рангтасвир ва графика турларида рассомлар ифодавийлик воситаси сифатида нур ва соя муносабатини ифодалаш, ҳажмдорлик ҳақида иллюзионистик тасвир ҳосил қилиш орқали асар яратадилар. Ҳайкалтарош асарлари ҳам шу қонуният асосида яратилса-да, нур ва соя муносабатлари реал тарзда кўринади. Чунки айнан ўйиқ ёки бўртиқ қисмлар ҳисобига ёруғ-соја ифодаси ҳайкалнинг шаклини, ҳажмдорлигини билдиради. Бу хулоса мактабгача ёшдаги болаларга ҳайкалтарошлиқ

асосларини ўргатиш уларнинг тасвирий фаолиятларида етакчи ўринни эгаллаши лозимлигини англатади.

## **ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШҒУЛОТЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖИҲОЗЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР**

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида асосий материал сифатида пластилин ва лойдан фойдаланилади. Улардан фойдаланиш техникаси ва технологияси ҳар хил бўлса-да, тасвир (ҳайкалча) ҳосил қилиш имкониятларига кўра улар бир хил техник кўрсатгичлар ва имкониятларга эга. Тарбиячи бажариладиган ишнинг мазмунига кўра лой ёки пластилинда ишлашни таклиф этади. Агар майда декоратив ҳайкалча ясаладиган бўлса пластилиннинг турли рангларидан фойдаланган ҳолда ишлаш тавсия этилади. Чунки ундаги аниқ ранглардан фойдаланиб ифодали-таъсирчан ҳайкалча ясаш мумкин бўлади.

Гигиеник жиҳатдан ҳар иккала материал ҳам муайян тартибларга риоя қилишни талаб этади. Шунинг учун топшириқни бажариш учун материал танлашда, асосан, ясаладиган ҳайкалчанинг ҳажми, мавзуси, кўлами (бир фигурали, икки фигурали ҳайкалча композицияси, каттароқ ҳажмдаги ҳайкалча ва бошқа параметрлар) эътиборга олинади.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болалари билан ўтказиладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида лой билан ишлаш тавсия этилади. Чунки, биринчидан, каттароқ ҳажмдаги ҳайкалчаларни ишлашда бир хил масса (ранг)даги пластилин билан таъминлаш

имконияти чекланган бўлади. Иккинчидан, пластилиннинг турли рангда бўлиши болаларнинг диққатини майда деталларни тасвирлашга йўналтириб, асосий мақсад - шакл ва ҳажмни ҳис қилиш ва тасвирлашдан чалғитади. Қолаверса, республикамиизда иссиқ кунлар кўп бўлганлиги боис бундай об-ҳаво шароитида иссиқ ҳарорат таъсирида пластилинни юмшаб кетиши ва ёпишқоқ бўлиб қолиши ишлашда нокулайлик туғдиради. Шунингдек, бундай шароитда ясалган ҳайкалчаларнинг шакли бузилиб кетади. Лойдан эса узоқ муддат фойдаланиш мумкин. Қолаврса, лойдан ясалган ҳайкалча қуриган ҳолатда ҳам шаклини ўзгартирмайди. Шу боис лойдан ясалган ҳайкалча қуригач унга ранг билан безак бериш ҳам мумкин бўлади. Шунингдек, лой билан ишлаш машғулотлари иқтисодий томондан қийинчилик туғдирмайди. Имконият ва мутахассис бор жойда лойдан ясалган ҳайкалчаларни муфел печларида пишириш ва унга декоратив безак бериш тартиблари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш болаларда бадиий хунармандчилик соҳаларига қизиқишни орттиради, ҳалқ усталарининг ижодий меҳнатлари ҳақида, умуман шу соҳа тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар таркиб топади, хунармандларнинг ишларини бадиий-эстетик идрок этиш малакалари шакллантирилади.

Ўрни келганда лой танлаш ва ундан фойдаланишга тайёрлаш масалаларидаги тавсияларни келтириш мақсадга мувофиқdir. Одатда, лой тайёрлаш учун ерни оммавий тарзда йиллар давомида экин экиладиган ва кимёвий ўғитлар билан озиқлантириладиган, чорвачилик ва паррандачилик фермалари яқинидаги жойлардан олиш тавсия

этимайди. Мамлакатимизнинг айрим вилоятларида, айниқса, тоғли ва адирли ҳудудларда таркибига кўра экологик тоза ва ишлаш учун ҳар томонлама қулай, турли шакллар ясаш учун ўзининг эластиклиги билан ажралиб турадиган манбалар мавжуд. Шунингдек, лой тайёрлаш учун дарё ва сойга яқин, сув ювиб турадиган жойлардан масса олиш мумкин. Бироқ бундай жойлардаги ернинг таркибида кум миқдори кўп бўлганлиги учун шакл ҳосил қилишда массанинг пластик ишлов бериш учун қулайлик хусусиятлари пастлиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар кузатилади. Бундай массадан ясалган шакл қуриганидан кейин уқаланиб кетиш эҳтимоли юқори бўлади.

Массани қўллашга яроқлилигини жуда оддий усул билан аниқлаш мумкин: тупроқдан лой тайёрлаб, ундан ҳалқача ҳосил қилинади. Агар ҳалқачанинг ташқи томонида ёриқчалар ҳосил бўлмаса, масса ҳайкалтарошлик машғулотларида фойдаланиш учун яроқли ҳисобланади. Яроқли тупроқ манбалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда агар тупроқ ҳар хил бегона жинслардан холи бўлса пластмасса челак ёки шунга ўхшаш идишга имкон қадар майдаланиб, устидан сув қуйиб бир неча кунга ивитиб қўйилади. Сувни шундай миқдорда қўйиш керакки, тупроқнинг юқори қисми қуруқлигича қолиши керак. Агар сув кўпроқ қуйилса лой суюқ бўлиб, уни қаттиқроқ масса ҳолига келтириш учун вақт сарфланади. Акс ҳолда ундан шакл ҳосил қилиш қийинлашади. Бегона жисмлар борлиги эҳтимоли мавжуд бўлса, тупроқни майдалаб, элакдан ўтказиб олиш лозим. Чунки тупроқ таркибида кесувчи (шиша синиклари, тунука бўлакчалари, темир

парчалари, бир қирраси ўткир тошчалар ва бошқа тиғли жинслар) бегона жинслар бўлиши мумкин. Тупроқни бегона жинслардан тозалаб бўлгач, уни ҳам биринчи вариантдек ивитиб қўйилади. Бу вазиятда болалар томонидан олдинги йилларда ишланган ҳамда кераксиз бўлган ҳайкалчаларни ҳам майдалаб қўшиб юбориш мумкин. 2-3 кун ивиган қоришмани қўлга резина қўлқоп кийган ҳолда ёки маҳсус тайёрланган таёқ билан бир хил масса ҳосил бўлгунича яхшилаб аралаштирилади. Лойга ишлов беришда унинг тайёр ҳолга келганлигини аниқлаш учун унинг бир бўлаги қўлнинг кафтида айлантирилади. Агар лой кафтимизга ёпишмаса, у ишлатиш учун тайёр бўлган ҳисобланади.

Лойнинг пластиклик хусусиятини ошириш учун унинг таркибига мой, вазелин каби қўшимчалар қўшиш мумкин. Ҳосил бўлган массани герметик ёпиладиган идишда ёки салафан пленка билан ўралган тарзда сақлаш мумкин. Бундай захира йил давомида ўтказиладиган ҳайкалтарошлик машғулотлари учун етарли бўлади. Фақат ишлатиш олдидан унинг сифати назорат қилинади. Лозим бўлган тақдирда унга бироз сув сепиб, ишлов берилади. Тайёрланган лойни сирланмаган темир ёки бошқа метал идишларда сақлаш тавсия этилмайди. Чунки лой таркибидаги намлик ҳисобига идиш занглайди ҳамда унинг металл идиш билан контактда бўлган қисми бузилади.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида, таъкидлаб ўтганимиздек, асосан, лой ва пластилиндан фойдаланилса-да, болаларга тасвирий санъатнинг бу турида ишлатиладиган бошқа турдаги материаллар

ҳақида ҳам дастлабки маълумотларни бериш мақсадга мувофик.

Ҳайкалтарошлиқ намуналари дастлаб тошлардан йўниб ишланган. Бу техника ривожланиб, мармар, гранит, ёғоч каби материаллардан ҳайкаллар ясаш амалиёти йўлга қўйилган бўлса, тараққиётнинг маълум босқичларида металл эритиш технологиялари ихтиро қилиниши муносабати билан бронза, мис, ҳаттоқи олтин ва кумушдан ҳайкаллар ясала бошланган. Шунингдек, ҳайкалтарошлиқ материали сифатида гипс, шамот каби материаллар ҳам қўлланилади. Бу турдаги намуналар ҳақида маълумот беришда ҳар бирига иллюстратив материал илова қилинган ҳолда тушунтириш мақсадга мувофик.


Ҳайкалтарошлиқ машғулотларини самарали кечишида машғулот ўтказиладиган жойни тўғри ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шароит мавжуд бўлган жойларда ҳар бир болани айланадиган станокча билан таъминлаш болаларнинг ишлашларида бир қатор қулайликлар яратади. Хусусан, бола ўтирган ҳолатини ўзгартирмасдан станокни айлантириб ҳайкалчани турли томонларини ишлаши мумкин бўлади. Одатда, мактабгача таълим муассасаларида бундай станоклардан фойдаланилмайди. Шундай бўлсада, болаларга профессионал ҳайкалтарошлиқда ишлатиладиган ҳайкалтарошлиқ станоклари ҳақида маълумот бериб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки айрим болалар ота-оналарининг ёрдамида уйда шунга ўхшаш станок тайёрлаши ва мустақил ижодий иш билан шуғулланиши мумкин. Ҳайкалтарошлиқ станокчалари З-расмда кўрсатилгандек шаклда ясалади (расмда кўрсатилган станок катта

ёшдагиларга мүлжалланган. Шу боис ўлчамлар болаларнинг ёшига, бўй-бастига мосланади). Бундай имконият йўқ вазиятларда болаларга қалин картон, ДВП ёки ДСП, пластмасса ёки тахта парчасидан таглик сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Тагликнинг ўлчами ясаладиган ҳайкалчанинг ҳажмига кўра белгиланади, яъни тагликнинг ҳажми ясаладиган ҳайкалчанинг ўлчамига нисбатан томонларидан 10-12 сантиметр каттароқ бўлиши лозим.


Ҳайкалтарошлик машғулотларида лой (пластилин)нинг бутун бўлагидан кераксиз қисмларини кесиб, йўниб олиб ташлаш учун стеклардан фойдаланилади (5-расм). Стеклар металлдан (уларни, асосан, профессионал ҳайкалтарошлар ишлатадилар), пластмасса ва ёғочдан ясалади. Мактабгача таълим муассасаларида пластмасса ва ёғоч стеклардан фойдаланиш тавсия этилади. Maxsus тайёрланган стеклар бўлмаса оддий чўпдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёғоч стекларни ота-оналар тайёрлаб беришлари мумкин. Бунинг учун узунлиги 15 - 20, эни 2 - 2,5, қалинлиги тахминан 1 см ўлчамдаги тахта бўлагининг бир томонини пичоқ тифига ўхшатиб йўнилади. Унинг уч қисмини бироз ингичкалаштириб, ўткирлаштириб чиқилади. Бундай стекдан болалар bemalol фойдаланишлари мумкин.

Ҳайкалтарошлик машғулотларини ташкил этишда болалар фойдаланадиган иш куроллари - стеклар бажарилаётган ишни сифатли чиқишига бевосита таъсир ўtkazadi. Стек ўрнида ўткир буюмлардан (пичоқ, бигиз ва б.) фойдаланишга йўл қўйилмаслиги керак.




3-расм. Ҳайкалтарошлиқ станоги.




4-расм. Ҳайкалтарошлиқда ишилатыладиган иш қуроллары.

Ҳайкалтарошлиқ машғулотлари ўтказиладиган жойларда, албатта, машғулотдан сўнг қўлни илиқ сувда совунлаб ювиш имонияти бўлиши лозим.




5-расм. Ҳайкалтарошлар томонидан юмшоқ материалларни йүниб ҳайкал ясашда ишлатиладиган асбоблар.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида фақат юмшоқ материаллар (лой ва пластилин)дан фойдаланилади. Маълум малака ва шароити мавжуд айрим тарбиячилар папье-маше технологиясида ҳайкалчалар, буюмлар ва қўғирчоқлар ясашлари мумкин. Шунинг учун ҳам болалар ҳайкалтарошиликда кўлланиладиган асбоблар ҳақида маълумотга эга бўлсалар фойдадан ҳоли эмас. 5-расмда ҳайкалтарошлар юмшоқ материаллар билан ишлаганди, 6-расмда эса қаттиқ материаллар – ёғоч, мармар, тошни йўниб ҳайкал ясашда ишлатиладиган асбоблар тасвирланган.




6-расм. Қаттық материаллардан ҳайкал ясашда ишилатыладиган асбоблар.


Таъкидлаб ўтганимиздек, мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида ҳайкалтарошлик станогидан фойдаланилмайди. Чунки, биринчидан, гурухдаги болаларнинг сонига кўра уларни станоклар билан таъминлаш имконияти чекланган. Фақатгина ихтисослашган йўналишли мактабгача таълим муассасаларида улардан фойдаланиш мумкин. Шунинг учун болалар билан ўтказиладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида ҳайкалтарошлик станоги ўрнига таглик сифатида картон, фанера, тахта бўлакчаларидан фойдаланилади. Бироқ тарбиячи бажарилаётган ишни тушунтириши, уни болаларга ҳар томонлама тушунарли тарзда кўрсатиб бериши учун 7-расм. Ҳайкалтарошлининг метал станоги.




Ҳайкалтарошлиқда ишлатиладиган станоклар ҳам хар хил бўлади. Жумладан, заводда маҳсус тайёрланган станоклар (7-расм), дурадгорлар томонидан тайёрланган станоклар (8,10-расмлар). Шунингдек, болаларнинг ҳайкалтарошлиқ ҳақидаги, ҳайкалтарошнинг ижодий меҳнати жараёни ҳақида тасаввурларини шакллантириш учун уларни ҳайкалтарошлиқ станоклари билан иллюстратив тарзда танишириб ўтиш мумкин.



8-расм. Ёғочдан ясалган ҳайкалтарошлиқ станоклари.



9-расм. Стол устига қўйиб ишлатиладиган ҳайкалтарошлиқ станокчаси.



*10-расм. Ёгочдан ясалган станок ва унинг  
айланадиган устки қисми.*

## **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА МАЗМУНИ**

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган “Тасвирий фаолият” йўналишининг ҳайкалтарошлик машғулотларининг, асосан, уч туридан фойдаланиш тавсия этилади.


Биринчи турда буюмлар билан боғлиқ мавзуларда ўтказиладиган машғулотларда болалар, асосан, буюмлар (пиёла, чойнак, ликопча, ўйинчоқ машина ва ҳ.к.), мева ва сабзавотлар (олма, нок, сабзи ва ҳ.к.), шунингдек, одам ва ҳайвонлар тасвирини ясашни ўрганадилар. Мазкур машғулотларнинг дидактик мақсад ва вазифаларини бажариш юзасидан қулайлиги шундаки, биринчидан, агар бола тасвирий фаолиятнинг бошқа турида муаяйн қийинчиликларга дуч келса, ҳайкалтарошлик машғулотларида уларни бартараф

этиш имконияти мавжуд. Масалан, ҳажмни, нисбатни ҳис этиш билан боғлиқ қийинчиликлар.

Иккинчидан, ҳакалтарошлик машғулотларидағи таълимий жараён фаолиятта умумлашган ҳолда ёндашишини талаб этади. Масалан, бола одам тасвири(хайкалчасини)ни ишлашда ундаги майда деталларга (күзи, қоши, бармоқлари, кийимининг шакли, ундаги бурамалари, ранги ва бошқа жиҳатлар) аҳамият бериши талаб этилмайди. Бу болаларни объектларни умумий тарзда, яхлит идрок этишга ўргатади.

Учинчидан, болаларни тасвирий фаолиятида кўп учрайдиган ҳолатлардан бири - уларни хато қилиб кўйишдан чўчиши боис бу жараёнда уларнинг ижодий фаоллик кўрсатмасликлари билан тавсифланади. Бола ранг билан ишлаётганда нотўғри қўйилган ранг ишнинг муваффақиятли якунланишда муайян қийинчилик, муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам тасвирий фаолиятда болаларда эҳтиёткорлик ҳолатлари кузатилади. Бир неча уриниш кўнгилдагидек чиқмаган тақдирда болада иштиёқ, фаоллик пасайиб боради. Шунингдек, қаламда кетма-кет берилган чизиқлар режадагидек чиқмаса қайта-қайта ўчирилиши натижасида қоғознинг сифати бузила боради. Ҳайкалтарошлик машғулотларида бу хатоларни муаммосиз ҳал этиш имкониятлари мавжуд. Ясалган ҳайкалча ўхшамай қолса уни бузиб ташлаб йўл қўйилган камчиликни бартараф этган ҳолда қайтадан ясаш мумкин. Пластилиннинг массаси ўзгармайди, сифати қўл билан ишлов бериш натижасида яхшиланиб, ишлаш учун қулай бўла боради.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ҳайкалтарошлик билан танишириш жараёнида, аввало, унинг умумий хусусиятлари ҳақида элементар тушунчалар бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳайкалтарошликнинг турлари ҳақидаги маълумотлар дастлабки сабоқлар сирасига киради. Демак, бу борада болаларнинг реал ва декоратив ҳайкалтарошлик турлари ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўлиши учарнинг тасвирий-ижодий фаолиятини аниқ йўналишга эга бўлишини таъминлайди.



11-расм. Андижон шаҳрида ўрнатилган Заҳиридан Муҳаммад Бобур ҳайкали.  
Ҳайкалтарош Рашидан Миртоҗиев.

Реал ҳайкалтарошлик ҳам, ўз навбатида, бир неча турларга бўлинади. Жумладан, монументал ҳайкалтарошлик (11,12-расмлар), дастгоҳ ҳайкалтарошлиги, рельефли ҳайкалтарошлик (13-расм). Реал ҳайкалтарошликнинг монументал тури

намуналари, одатда, улуғворлик рамзи сифатида маҳсус таглик - потстаментга ўрнатилади. Тошкент ҳамда Шаҳрисабздаги Амир Темур, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек, Андижондаги Заҳиридин Мухаммад Бобур (11-расм), Навоий шаҳридаги Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкалларда шундай усул қўлланилган. Айниқса, Термиздаги Алпомиш ҳайкали монументалликнинг яққол намунасиdir. Чунки бу ҳайкал атрофдаги иншоотларга нисбатан ердан баланд тагликка ўрнатилган. Айрим ҳолатларда маҳаллий ландшафтнинг рельефлик даражаси имкониятларидан монументалликни намоён этиш учун унумли фойдаланган ҳолатларни кўриш мумкин. Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий боғида ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкалини шундай имкониятдан фойдаланилган тажриба сифатида мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳайкалтарошликтининг юқоридаги турлари ҳақидаги маълумотларни иллюстратив материаллар, майда пластика намуналарини эса натурада намойиш этиш воситасида баён этилса, болаларнинг тасвирий санъатнинг мазкур тури ҳақидаги тасаввурлари реал тарзда, тасвирий талқинлар, образлар негизида шаклланиб боради. Бу омил, шубҳасиз, уларнинг ижодий фаолиятида ўз самарасини беради.

Мактабгача ёшдаги болаларга реал ҳайкалтарошлиқ ҳақида маълумот беришда унинг асосий турлари ҳақида иллюстратив материалларни намойиш этиш орқали тушунтириш лозим. Реал ҳайкалтарошлиқни юмалоқ тури уни айланиб кўриш имконияти мавжуд бўлган намуналарига нисбатан айтилади. Масалан, Тошкент шаҳридаги Амир Темур,

Алишер Навоий, Ойбек (12-расм) каби алломаларга ўрнатилган ҳайкаллар шундай ҳайкаллар сирасига киради.



12-расм. Равшан Миртожиев. Тошкент шаҳрида ўрнатилган Ойбек ҳайкали.

Юмалоқ шаклдаги реал ҳайкалтарошлиқ катта ёшдаги томошибинларга мўлжаллаб ишланади ва одатда, жамоат бинолари, хиёбонларга ўрнатилади. Уларда таниқли давлат арбоблари, маданият ва санъат, илм-фан арбобларининг образлари, тарихий воқеиликлар акс эттирилганлиги учун болаларга бироз мураккаблик қилиши мумкин. Бироқ тарбиячилар, отоналар болаларга уларнинг тарихи, буюк шахсларнинг ибратли фазилатлари ҳақида таъсирчан шаклда ҳикоя қилиб берсалар, уларни идрок этиш жараёни самарали кечади.

Фақат бир томондан кўриш мумкин бўлган ҳайкалтарошлиқ намуналари рельефли ҳайкалтарошлиқ деб аталади (13-расм). Рельефли ҳайкалтарошлиқ, ўз навбатида, икки турга бўлинади –

чукур рельефли (горельеф) ва нисбатан юзакироқ рельефли (барельеф) ҳайкалтарошлиқ.



13-расм. Миллий раңс ва хореография олий мактаб биноси пештоқидаги барельеф.

Рельефли ҳайкалтарошлиқ намуналари болалар учун нотаниш бўлиши мумкин. Чунки улар бевосита ҳайкалтарошликтинг монументал намуналарини кўп бора кўрган бўладилар. Аслида болалар рельефли ҳайкалтарошлиқ намуналарини кўпроқ кўрган бўлсалар-да, улар ҳақида етарли тушунчага эга бўлмаганликлари боис эътибор қаратмаганлар. Шунинг учун рельефли ҳайкалтарошлиқ ҳақида тушунча беришда майший ҳаётимизда, кундалик турмушимизда учрайдиган мисоллар билан тушунириш мақсадга мувофик. Бундай мисоллар сифатида кундалик истеъмол қиласиган печенье, шоколадлар, тангалар, орден ва медалларни кўрсатиш мумкин.

Болаларга ҳайкалтарошлик ҳақидағи маълумотларни тақдим қилишда реал ҳайкалтарошликка оид маълумотлар улар учун бироз кийинлик қилиши мүмкін. Бирок уларни болалар учун таниш бўлган намуналарини намойиш қилиш орқали тушунирилса, ўзлаштириш жараёни осонроқ кечади. Масалан, шаҳрисабзлик болаларга Оқсарой олдига ўрнатилган Амир Темур ҳайкали, андижонлик болаларга Захириддин муҳаммад Бобурга ўрнатилган ҳайкални, фарғоналик болаларга Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалини, термизлик болаларга эса Алпомиш ҳакалини намойиш этиб, бу ҳайкаллар ҳайкалтарошликнинг монументал, яъни улкан ҳайкал туриги кириши тушунирилса болалар томонидан бундай асарларни англаш осон бўлади. Монументал ҳайкалтарошлик намуналари ҳиёбонлар, жамоат бинолари ансамблининг бир қисми сифатида оммавий тарзда идрок этиш учун, бирор бир сиёсий воқелик, иирик тарихий шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш учун ўрнатилади. Реал ҳайкалтарошликнинг дастгоҳли тури, одатда, юксак бадиий-эстетик савияда бажарилган, образ сифатида музей ва галереялар учун яратилади. Дастгоҳ ҳайкалтарошлиги намуналари натуранинг ўлчами билан бир хил бўлади. Айрим ҳолларда улар натурадан бироз кичикроқ ёки каттaroқ бўлиши мүмкін. Дастгоҳ ҳайкалтарошлигида инсон образининг тўлиқ гавдаси тасвирланган, портрет тарзда (елкадан юқори қисми, “бьюст” деб аталади) тасвирланади (14-расм).



14-расм. Низомий Ганжавиий бъюсти.

### Декоратив

### ҳайкалтарошлик.

Ҳайкалтарошликнинг бу тури республикамизда жуда ривожланган ва узок тарихга эга. Бунда ясалган буюмларда болаларга хос бир қатор жиҳатлар мавжудлиги учун ҳам мактабгача ёшдаги болаларда катта қизиқиш уйғотади.



15-расм. Декоратив ҳайкалтарошлик намунаси.

Декоратив ҳайкалтарошлик профессионал соҳада майда пластика деб ҳам аталади. Майда пластика

намуналари бир қатор кўрсатгичлари бўйича болаларда қизиқиши уйғотади. Жумладан, ясалган буюмларнинг шартлилиги, декоратив характерга эгалиги, муайян даражада фантазияни намоён қилишга мойиллиги (аждархо, афсонавий қуш қанотли от ва б.), болалар дунёсига мослиги (турли шаклдаги хуштакчалар, ҳайвонларнинг декоратив ўйинчоқ шаклидаги намуналари ва б.) болалар билан ўтказиладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотларини кизикарли тарзда ташкил этиш имконини беради. Бу борада бухоролик машҳур кулол Ҳамробиби Раҳимованинг ижоди яхши намуна вазифасини ўтайди (16-расм).



16-расм. Ўзбекистон халқ рассоми Ҳамробиби Раҳимова.

Декоратив ҳайкалтарошлиқ машғулотлари жараёнида болаларда миллий тарихий хунармандчиликка нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиш ҳиси шаклланиб бориши билан бир қаторда бевосита

уларда ижтимоий аҳамиятга молик ишда иштирок этишдан ғуурланиш билан боғлиқ тарбиявий жараёнлар содир бўлади. Гуруҳ хонасини безаш учун тайёрланган декоратив ҳайкалчалар бундай самарага эришиш воситаларидан биридир.

**Берилган мавзуу бўйича ҳайкал ишлаш (мавзули ҳайкалтарошлиқ)** ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг энг мураккаб, айни пайтда энг қизиқарли турларидан бири бўлиб, унда болалар муайян мавзуу бўйича композиция ишлашлари назарда тутилади. Бу турдаги машғулотлар ҳайкалтарошлиқнинг бошқа турларига нисбатан бажарилиши режалаштириладиган ишларнинг ҳажми катталиги билан ҳам ажралиб туради. Айни пайтда ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг бу тури болаларда кўпроқ қизиқиши уйғотади. Чунки унда, биринчидан, болаларга ўз фантазиясини тўлақонли намоён этиш учун кенг имконият берилади.

Иккинчидан, ҳар бир боланинг севимли мавзулари бўлади ва тарбиячи уларга айнан шу мавзуда ишлашга рухсат этиши орқали улардаги ижодий фаолликни оширишга эришади. Бу жараёнда кўпроқ болаларнинг атроф-муҳитни кузатиш натижасида ҳосил бўлган таассуротлар асосида ишлашга устувор тарзда эътибор қаратиш лозим. Шу тариқа болаларда реал борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларнинг бадиий образини яратиш, мантикий-хаётый композиция ишлаш, муайян образнинг (ҳайвон, одам ва бошқа кўринишдаги ҳайкалчалар) бўлакларини алоҳида-алоҳида ясаш ва уларни бирлаштиришда маълум қонуниятларга (нисбатлар, ҳолатлар, динамика, пластика ва б.) амал қилиш малакалари шаклланиб боради.

Учинчидан, бу йўналишдаги машғулотларда жамоа бўлиб мазмундор композиция яратиш мумкин бўлади. Бу машғулотларда болалар тасвирий саводхонлик элементларини эгаллаш билан бир қаторда ижтимоий ҳамкорлик, коммуникатив-ижодий мулоқот, ўзаро баҳсллашиш, муҳокама қилиш орқали умумий хулосага келиш каби муҳим сифатларни ўзлаштира борадилар. Шунинг учун ҳам муайян мавзуу бўйича композиция ишлаш машғулотларини катта гуруҳларда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мавзуий ҳайкалтарошлиқ машғулотларида болалар ҳайкалча ясашнинг ҳар хил усулларини ўзлаштирган бўлишлари керак.

Ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг юқорида санаб ўтилган турлари учун умумий бўлган бир жиҳат мавжуд, яъни тавсия этилаётган мавзулар болаларнинг ёшига мос бўлиши, тасвирлаш топшириқ қилиб берилаётган буюмларнинг конструктив тузилиши, шакли аниқ ҳамда қўшимча чалғитувчи деталлардан ҳоли бўлиши лозим. Шунингдек, барча турдаги машғулотларда тасвирий фаолиятнинг бошқа турларида эгаллаган билимлардан, мактабгача таълимнинг бошқа соҳаларида олган тасаввур ва таассуротлардан максимал даражада фойдаланиш ҳайкалтарошлиқ машғулотларини самарали кечишини таъминлайди. Муҳими, ҳайкалтарошлиқ машғулотлари болаларни шаклларни, фактурани бармоқ учлари билан ҳис қилиш малакаларини шакллантириш орқали уларда қўлларнинг майда моторикаларини ривожлантириш асносида ёзиш-чизишга жисмоний-физиологик жиҳатдан тайёрлаб борилади.

Мавзули ҳайкалтарошлик машғулотлари учун мавзу танлаш муҳим жараён ҳисобланади. Айниқса, жамоавий тарзда ҳайкалча ишлаш машғулотларида бу омилга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, ҳамма учун бирдек қизиқарли бўлган мавзу танлаш қийин. Шу маънода тарбиячи бошқа турдаги фаолиятлар жараёнида, шунингдек, табиатга сайдрга чиққан даврда болаларнинг ҳар бирини индивидуаллигидан келиб чиққан ҳолда олдиндан бўлажак машғулот учун мавзу танлаб боришини ташкил этиш мумкин, яъни мавзу танлашда тарбиячининг маслаҳатлари, тавсияларига кўра кўпроқ болаларнинг ўзидан ташаббус, таклиф чиқишига эришиш, танловни асослашга ўргата бориш, бу турдаги машғулотларни ташкил этишда болалар олинган таассурот асосида ҳайкалча ясами ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Бундай методик ёндашув болаларни борлиқни тўғри идрок этиш, мақсадли кузатиш ва идрок этиш ёки ҳикоя қилиб берилаётган воқеликни таҳлилий идрок этишга ундейди, уларда мушоҳада юртиш ва қарор қабул қилиш малакалари шаклланниб боради. Шу тариқа улар кўрган нарса ва ходисасини хотирада сақлаб қолиш ва уни кейинчалик тасвирий фаолиятда бадиий образ шаклида қайта жонлантиришга ўрганадилар.

Мавзули ҳайкалтарошлик машғулотларининг хусусиятлари болалардан кузатиш жараёнида шаклланган кенг қамровли таассуротларни талаб этади. Шунинг учун ясалиши режалаштирилаётган ҳайкалчага шакл жиҳатидан ўхшаш буюм ва деталларни мақсадли кузатиш болаларнинг ижодий фаолияти натижалари маъноли ва таъсирчан чиқишига ёрдам беради. Бу омил айниқса, ҳайвонларни

тасвирлаш билан боғлиқ мавзуларда алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараёнга параллел тарзда мавзуга мос иллюстратив материаллар намойиш этиб борилса, болаларнинг объект, буюм ёки ҳайвонлар ҳақидаги тасаввурлари кенгрок бўлади.

Болаларнинг севимли мавзулари одамларни тасвирлаш билан боғлиқ. Қиз болалар турли хил кўғирчоқларни, ўғил болалар ҳар хил қаҳрамонлар, спортчиларни тасвирлашни хуш кўрадилар. Шунинг учун тарбиячи тайёргарлик чоғида одамларнинг ҳаракати, гавданинг ҳолатлари, қисмларининг нисбатлари, турли ёшдаги одамларнинг гавда тузилишидаги ўхшашлик ва тафовутлар ҳақида тушунча бериб борса, болаларнинг бу борадаги тасаввурлари кенгрок бўлиб боради ва улар ўз ҳайкалчаларида муҳим компонент - ҳаракат пластикаси ва динамикасини тасвирлашга оид дастлабки малакаларни эгаллаб борадилар. Бу йўналишда имкони бўлган ҳудудларда болалар билан майда пластика маҳсулотлари - турли декоратив ҳайкалчалар ишлайдиган устанинг ижодхонасига экспурсия ёки кўргазмага боришини ташкил этиш жараённи янада жонли кечишини, натижанинг самаралироқ бўлишини таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гурухларида болаларни турли эртакларнинг мазмуни билан таништиришга оид машғулотлар олиб борилади. Унда ўрганилган эртак ва бошқа адабий манбаларнинг сюжетлари асосида ҳайкалтарошлиқ машғулотларини ўтказишни тавсия этиш мумкин. Қолаверса, бу турдаги машғулотларни интегратив тарзда ўйин

элементларидан ўринли фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Мактабга тайёрлов гуруҳида ташкил этиладиган ҳайкалтарошлик машғулотларининг мазмунида икки омил алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Биринчидан, албатта таълимий жараён аниқ бир мавзуга қаратилган бўлиши лозим. Иккинчидан, мавзуни кенг қамровли бўлишини таъминлаш учун жамоавий ишлашга устувор тазда қараш мақсадга мувофиқ. Бундай машғулотларнинг мавзуси сифатида кузги натюрmort ишлашни тавсия этиш мумкин. Бу топшириқни бажаришда бир бола олмани, иккинчиси бодрингни, яна бири нокни, бошқаси ликопчани ишласа, ясалган мева ва сабзавотларни бир ликопчага бирлаштириб ўзига хос натюрmort ҳосил қилиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳат: ясалётган мева (қизил олма, яшил олма, сариқ нок) ва сабзавот (яшил бодринг ва ҳ.к.)лар рангли пластилиндан ҳосил қилса охирида бирлаштириладиган натюрmortнинг жозибаси янада ортади.

Кези келганда болаларда бир хил нарсаларни турлича шаклларга эга бўлиши ҳақидаги тасаввурларини шакллантириб бориш ҳам муҳим дидактик аҳамият касб этишини эслатиб ўтиш ўринлидир. Шунинг учун ҳайкалтарошлик машғулотларининг мазмунида шунга оид материаллар ўрганилиши лозим. Масалан, олма юмалокроқ, чўзинчоқроқ бўлиши, туя билан бўталоқ, қўй билан кўзичоқ, сигир билан бузоқча қайсиdir жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилишини, умумий тарзда товуқ деб аталувчи парранда жўжа, макиён, хўroz шаклида турлича кўринишга эга бўлиб, айрим

деталларга кўра бир-бирига ўхшамаслигини ўргата бориш натижасида болаларда синчковлик, кузатувчанлик, у ёки бу шаклнинг характерли хусусиятларини илғаш, таҳлил қилиш, таққослаш асосда шаклланган тасаввурларни ўз фаолиятига татбиқ этиш кўникмалари таркиб топа боради.

Айни пайтда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳайкалча ясаш учун мавзу танлашда қуидаги дидактик талабларга амал қилиш тавсия этилади:

- объект (буюм) болалар учун яхши таниш бўлгани маъқул;

- болалрнинг ёшидан келиб чиққан ҳолда объект танланади. Агар объект жуда содда бўлса болалар учун айтарли қизиқиш уйғотмайди. Аксинча, мураккаб бўлса идрок этиш қийинлиги учун болаларда машғулотга нисбатан иштиёқ пасаяди;

- объект болаларда қизиқиш ўйфотиши, машғулотга нисбатан эмоционал-ижодий фаоллик кайфиятини юзага келтириши лозим. Шундагина буюм болалар томонидан яхлит идрок этилади ҳамда аниқ тасаввур ва қизиқиш билан машғулотга киришилади.

Ҳайкалтарошлик машғулотлари мазмунида хотирадан, тасаввурдан ҳайкал ишлаш мавзуларига кенг ўрин бериш керак. Тасаввурдан ҳайкал ишлаш машғулотларида ҳайвонлар мавзуси болаларда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Чунки аксарият болалар қайсиdir ҳайвон ёки паррандага қизиқади ва уларнинг хатти-харакатларини диққат ва қизиқиш билан кузатади. Бу кузатувлар уларга композиция мавзусини танлашда асос бўлади, ижодий фантазияни ишга солиш учун кенг имкониятлар яратади.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг мазмунида танланашётган мавзуларнинг композицион мантиқийлигига эътибор қаратиш, бу жараёнда имкон қадар болалар ўзлари фаоллик кўрсатишларига эришиш лозим. Бир қарашда мураккабдек туюлган бундай топшириқ тарбиячининг бир-икки әслатма, тавсияси билан бошқача мазмун касб этиши мумкин. Товуқнинг боши эгик ҳолда, атрофида 3-4 та жўжачалари билан тасвирланиши шунчаки товуқ эмас, балки она товуқ жўжалар билан дон териб еяётгани тасвирланганлигини англатади. Шундай ёндашув билан статик (ҳаракатсиз) товуқ тасвири (ҳайкалчаси)ни ҳам динамик ҳолатда, ҳам мантиқий композицион ечимда тасвирлашга эришилади. Бундай мисолларни одам тасвири, уй ва ёввойи ҳайвонлар тасвирлари билан боғлик мавзуларда ҳам келтириш мумкин.

Болаларда ижодий фантазияни ўстиришда эртак қаҳрамонлари мавзуси катта қизиқиши уйғотади. Чунки эртакларнинг мазмунни болалар дунёсига мослиги билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам ҳайкалтарошлиқ машғулотлари мазмунида эртак қаҳрамонларини тасвирлашга оид мавзуга кенг ўрин бериш керак. Бу мавзулар, биринчидан, болаларга ўз фантазияларини намоён қилиши учун, иккинчидан жамоавий тарзда кўп фигурали композиция ишлашга кулагилиги билан диққатга сазовордир.

Ҳайкалтарошлиқ машғулотларида умумий тарзда жамоавий композиция ишлаш билан бирга болаларнинг гендер хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда топшириқ бериш жараённи қизиқарли ва жонли

чиқишини таъминлайди. Ўғил болалар футбол ёки спортнинг бошқа турларидан, қиз болалар эса турли шаклдаги қўғирчоқлардан иборат композиция (она ва бола, раққоса дугоналар ва б.) ёки маиший турмушда кўлланиладиган идиш-товоқлардан иборат сервис ишлашлари мумкин.

Мактабгача таълимнинг Давлат талаблари ҳамда “Болажон” таянч дастурида ҳайкалтарошлик машғулотлари “лой иши” йўналишида **биринчи кичик гуруҳ**дан бошланиши белгилаб қўйилган. Бу гурухда болаларнинг ҳайкалтарошлик машғулотларида ясаган ҳайкалча (буюм)ларнинг шакллари болаларнинг кўлларини майда моторикаси етарли даражада ривожланмаганлиги, қўл мускулларининг кучли эмаслиги боис ҳаракат кўлами чекланган бўлганлиги, шунингдек, шаклларни идрок этиш малакалари яхши шаклланмаганлиги боис аниқ бўлмайди. Кичик гуруҳ ёшидаги болалар учун лой (пластилин) билан ишлашда болалар лойни бўлакларга бўлиш, уларни бирлаштириш, махсус таглик (тахтача, картон, пластмасса) устида қулайликни таъминлаш мақсадида айлантириб, пластик материални ясси ҳолатга келтириш каби амалларни бажарадилар. Шунингдек, бевосита тарбиячининг амалий кўрсатмалари бўйича кафтлар орасида ҳаракатлантириб лой (пластилин) бўлагини турли шаклларга келтириш, предмет (мева, сабзавотлар ва б.)ларни ясашнинг техник усулларини ўзлаштириб борадилар.

**Кичик гуруҳда лой (пластилин)**  
машғулотларининг мазмуни болаларда  
ҳайкалтарошликтининг элементар техник усулларини  
ўзлаштиришларига йўналтирилади. Машғулотлар

мазмунида тасвирланиши (ясалиши) режалаштирилаётган буюмларни яхшироқ ҳис қилиш, шакли, фактурасини билиш учун болаларга бевосита буюмларни қўл билан идрок этиш воситасида бумларнинг ўлчами, шакли ҳақида тўликроқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайдиган топшириқларга кенг ўрин берилади. Бу гуруҳдаги ҳайкалтарошлик машғулотларида тарбиячи, албатта, топшириқ мазмунига монанд дидактик ўйинлардан ўринли фойдаланиши, болаларнинг ишларини таҳлил қилиши ва баҳолаб бориши, болаларга ҳато ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини тушунтириб бориши лозим.

Тарбиячи машғулотларни бошламасдан олдин болаларга машғулотни қизиқарлироқ тарзда ўтишини таъминлаш учун дидактик ўйин таклиф этиши мумкин. Бу ўйин болаларда буюмларнинг детал (элемент)ларини, уларнинг умумий шаклдаги ўрни, нисбатлари ҳақида тўликроқ тасаввурга эга бўлишларига қаратилади. Масалан, 3-4 қисмдан иборат предметларнинг элементларини ушлаб кўриш орқали болалар предмет ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бироқ ўйин болаларни асосий мавзудан чалғитмаслиги ҳамда узоқ давом этмаслиги лозим. Бу жараёнда тарбиячи кўпроқ болаларнинг мустақил фикрлаши, фаолият кўрсатишига эътибор қаратади.

**Иккинчи кичик гуруҳда** болаларни лойдан буюм ясашга ўргатиш нисбатан осонроқ, мазмунлироқ кечади. Чунки бу гуруҳ болалари лой билан ишлашнинг айрим техник усусларини ўзлаштирган бўладилар. Бироқ ҳали уларда мустақил ишлаш, бирор бир қарорни тарбиячининг тавсиясисиз қабул

қилишда иккиланиш ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун болаларда мустақиллик, фаолликни тарбиялаш билан бир қаторда бажарилган ишдан эстетик завқ олишга ўргатиш воситасида уларда тасвирий фаолиятга, хусусан, ҳайкалтарошлиқка қизиқишни таркиб топтириб бориш лозим. Шунингдек, таниш буюмлардан нотаниш буюмларни ясашга ўтиш орқали болаларда янги материални ўзлаштириш кўникмалари шакллантириб борилади.

**Ўрта гуруҳдаги** болалар ўзларининг жисмоний-физиологик ҳамда интеллектуал ривожланиш даражаларига кўра буюмларнинг конструктив тузилишидаги хусусиятларни кўра билиш, уларни таркибий компонентларга ажратса олиш, тарбиячининг тушунтиришларини мақсадли эшитиш, амалий кўрсатмаларини кузатиш каби компетенцияларга эга бўладилар. Бироқ тарбиячининг тушунтириши ва амалий кўрсатмалари узоқ муддатли бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда болалар чалғиши ёки зерикиб қолиши оқибатида жараён кутилган натижани бермайди.

Тарбиячининг педагогик фаолиятида бу гуруҳда ҳам болаларда ҳайкалтарошлиқ машғулотларига ижобий муносабатни шакллантириш, маҳсус машқлар воситасида болаларнинг кўл ҳаракатлари координациясини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттиради. Болаларда кузатилаётган буюмларнинг шакли тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш, буюмнинг деталларини асосий шакл (асос)га нисбатан тўғри тасвирлашга ўргатиш йўналишида машғулотлар ташкил этилади.

Бу гурухдаги болалар қүйи гурухдаги болаларга нисбатан предметни, унинг конструктив тузилишини аниқроқ тасаввур қиласылар. Шунинг учун бу гурухда тарбиячи ҳайкалтарошлик машғулотларини болаларни құл бармоқлари билан ишлаш техникаларини такомиллаштиришга йўналтиради. Чунки бу гурухдаги болалар бармоқ билан ишлашнинг турли усуллари (чўзиш, чимдиш, япалоқлаш ва б.)ни амалий бажариш бўйича кўпроқ малакага эга бўладилар.

Болаларни ҳайкалтарошлик машғулотларига қизиқишиларини орттиришда тарбиячининг методик тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода тарбиячининг машғулот жараёнида унинг мавзусига мос турли дидактик ўйинлар, адабий манбалар - эртак, шеър, топишмоқ кабилардан фойдаланиши болаларнинг бажарилаётган топшириққа, умуман ҳайкалтарошликка қизиқишиларини орттиради. Шунингдек, тарбиячининг йўналтирувчи саволлари ясалсаётган ҳайкалча (буюм)ни ифодавийлигини, образлилигини оширишга хизмат қиласи.

**Катта гурухда** таълим ва тарбия оладиган болаларнинг атроф-муҳит, унда содир бўлаётган воқеа ва ҳодислар ҳақидаги тасаввурларининг кўлами, мазмуни ҳамда сифати муайян билимлар тарзида жараёнларни мантиқий ва реал идрок этиши, англаши, уларнинг руҳий ривожланишида сифат ўзгаришлари кузатилиши, шунингдек, ижтимоий-коммуникацион мулоқот ҳамда ҳаётий тажрибалари ортиб борганлиги боис ҳайкалтарошлик машғулотларини нисбатан мураккаброқ мавзуларда ташкил этиш мумкин бўлади. Чунки ҳайкалтарошлик машғулотларидаги топшириқларни бажариш учун

асосий аъзо - қўл мушаклари анчагина ривожланган бўлади. Шунингдек, бу ёшдаги болалар қўл бармоқлари билан нозик ҳаракатларни ҳам мустақил бажара оладилар.

Бу гурухларда ўтказиладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида болаларда бажарилаётган ишларнинг пластикаси, динамикаси (ҳаракати), характерли жиҳатларини тасвирилашга интилиш кузатилади. Шунинг учун ҳам тарбиячи тошириқларнинг шу жиҳатларига эътибор қаратиши талаб этилади.

Катта гурухлардаги ҳайкалтарошлик машғулотларида аниқ сюжет, воқелик асосида мавзули ҳайкалча ишлашга эътибор қаратилади. Айниқса, бу жараёнда болаларнинг техник усуллардан, ҳайкалтарошликда қўлланиладиган иш қуролларидан мақсадгага мувофиқ тарзда фойдаланиш малакаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Катта гуруҳдаги ҳайкалтарошлик машғулотларида болаларнинг предмет, объект (натура)ни кузатиш, унинг конструктив тузилиши, шакли, қисм(детал)ларини ўзаро нисбатларини аниqlаш, таҳлил қилиш, лозим бўлган ҳолларда тасаввурнинг аниқлиги ва тўлиқлигини таъминлаш учун буюм, предметни бармоқ сезгилари орқали идрок этишлари мумкин. Бу гурухларда кўпроқ болаларнинг мустақил ишлашлари учун имконият берилади. Жумладан, кузатиш ишлари қўлламини кенгайтириб бадиий адабиёт намуналари билан таништириш, атроф-муҳитни кузатиш, “Тасвирий фаолият”нинг бошқа турлари (расм ишлаш, аппликация, конструкторлик ишлари)да, шунингдек, тасвирий санъат асарларининг

репродукцияларини идрок этиш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил бўлган таассуротлар асосида ҳайкалча ишлайдилар. Бу жараёнда тарбиячи йўналтирувчи, болаларнинг муайян воқелик ҳақидаги тасаввурларини ойдинлаштирувчи, таассуротларнинг таъсирчанлигини оширувчи савол-жавоблар ўтказади, керакли кўрсатмалар, тавсиялар, маслаҳатлар беради, лозим бўлган вазиятда болалар билан алоҳида ишлаб, уларга индивидуал ёрдам кўрсатади.

Ҳайкалтарошлик машғулотларида болаларнинг ишларини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнга болалар фаол жалб этиладилар.

Болаларнинг ишларини таҳлил қилиш ва баҳолашда ҳайкал ясаш усули ва техникаси тўғри танланганлиги, шакл тўғри тасвирланганлиги, унинг қисмларини ўзаро нисбатлари, ҳаракат динамикаси, пластик ечими тўғри талқин этилганлиги эътиборга олинади.

**Мактабга тайёрлов гурухларида** олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотларини турли шаклларда қизиқарли шаклда ташкил этиш имкониятлари ортади. Чунки бу ёшда болалар ҳам жисмоний, ҳам физиологик жиҳатдан анча ривожланган бўлади. Улар предметлар шаклини ҳайкалтарошлик воситасида аниқ ифодалаш, буюмларнинг нисбатларини тўғри ифодалашни улдалайдилар. Бу гуруҳ болалари яхлит бўлак лой(пластилин)дан турли техника ва усулларда шакл ҳосил қилишни биладилар. Иш жараёнида ҳайкалтарошлик стекларидан ўринли фойдаланадилар, бу фаолият билан боғлиқ ҳар хил операцияларни мустақил равишда бажара оладилар.

Тайёрлов гуруҳида болалар предметларнинг шаклларини кўриб, ҳис қилиб, идрок этишга оид малакаларини ривожлантирадилар. Бу гуруҳда ташкил этиладиган ҳайкалтарошлик машғулотлари болаларда ҳайкал ишлашнинг техник усулларидан мустақил равишда фойдалана олиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Шунингдек, тарбиячи болаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларга мустақил ишлаш учун етарли шароит яратиб бериши лозим бўлади. Айниқса, болаларни мустақил мавзу бўйича ишлашларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тайёрлов гуруҳида болалар мавзу ва мазмун жиҳатидан нисбатан мураккаброқ топшириқларни бажарадилар. Бу топшириқларда мавзунинг мазмундорлиги, бирор воқеликни тасвирлаш талаб этилади. Шунингдек, ҳайкалчаларда ҳаракат ва динамикани ўзига хос пластик кўринишида бажариш талаб этилади. Масалан, бўйинни чўзиб қичқираётган хўроз, жўжаларини донлатаётган товуқ, копток ўйнаётган мушукча, елкасида олма ёки кўзиқорин олиб кетаётган типратикан, ёнғоқ чақаётган олмахон ва ҳ.к. Ундан ташқари бу ёшдаги болалар тасаввурдан турли ҳайвонлар ва одам фигурасини ясашга оид малакаларини ривожлантириб борадилар.

Бу гуруҳда болалар пластик материаллардан ўз тасаввурлари асосида мавзу бўйича, шунингдек, эртак қаҳрамонлари образларини ясайдилар.

Одатда, болалар турли ҳолатдаги одам фигурасининг ҳайкалчасини ясашга жуда қизиқадилар. Бироқ бу жараёнда инсон гавдасининг физиологик (ёшга доир) хусусиятлари, гендер

тофовутлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари талаб этилади. Акс ҳолда дастлабки тасаввурлар болаларни нисбатлар ва бошқа хусусиятларни нотўғри тасвирилашга одатланиб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун болаларда инсон гавдасини тасвирилашга оид қизиқиши максадга мувофиқ тарзда йўналтириш учун уларда кузатиш, таҳлил қилиш малакаларини ривожлантириб бориш лозим.

## **ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШФУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ҳайкалтарошлик машғулотларида болаларнинг кўриш, англаш ва ҳис этиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам тарбиячи ҳар бир машғулот учун мос дидактик материал танлаши ва машғулот жараёнида ундан фойдаланишнинг оптималь методини кўллаши лозим.

Ҳайкалтарошлик машғулотларининг энг муҳим жиҳатларидан бири болаларни буюмларнинг ҳажмини ҳис этишга ўргатишдан иборат. Шу маънода тарбиячининг иш жойи груп ҳонаси шароитида шундай ташкил этилиши лозимки, биринчидан, намойиш этилаётган намуна ҳамма учун аниқ кўриниши, иккинчидан, буюмнинг ҳамма томонларини кўрсатган ҳолда болаларда буюмнинг конструктив тузилиши, шакли ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишлари керак. Болалар 5-6 ёшга етганларида шундай малакалар шакллана боради ва улар тарбиячи ёрдамида буюмларнинг шакли ва ундаги деталларни

тахлил қила оладилар. Бу сифат уларга хайкалтарошлик машғулотларида асқотади.

Болаларнинг ҳайкалтарошлик соҳасидаги фаолиятлари икки хил методда бажарилади: бутун бўлакдан йўниш, юлиб олиб ташлаш, чўзиш техникасида ҳайкалча ясаш; майда бўлакчалардан тайёрланган деталларни бир-бирига бирлаштириш техникасида ҳайкалча ясаш. Мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларда ҳар икки техникада ишлаш малакалари шаклланган бўлади. Шунинг учун уларга кўпроқ мустақил ишлашлари учун имконият берилиши, фақат айрим ҳолатларда ва баъзи болаларга индивидуал ёрдам кўрсатиш мумкин. Аммо бу ёшдаги болаларда нисбатларни ҳис қилиш малакалари яхши шаклланмаган бўлади, яъни объектни натурага қараганда нисбатларини нотўғри талқин қилиш (масалан, одам фигурасини ишлаётганда гавдага нисбатан бошни катта (ёки кичик), қўлларни, оёқни калта қилиб тасвирлаш ва б.) ҳолатлари кузатилади. Бу жараёнда тарбиячининг болаларга тўғри йўналиш бериш, нисбатлар ҳақида амалий кўрсатма бериб бориши талаб этилади. Шу тариқа мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий фаолиятнинг муҳим компонентлари – тасвирда маром ва нисбат, ҳажм ва нисбат ҳақида мўлжал олиш малакалари таркиб топтириб борилади. Бу жараёнда тарбиячининг йўналтирувчи саволлари, уларга жавоб беришда болаларнинг фаоллиги ва билдирилаётган фикрларнинг мантиқийлигига аҳамият берган ҳолда, лозим бўлган тақдирда тарбиячи айрим амалий кўрсатмалари машғулотларни методик жихатдан тўғри

ташкил этишни, бажарилаётган ишни сифатли якунланишини таъминлайди.

Табиийки, баъзи болаларда юқорида қайд этилган сифатлар суст ривожланган бўлади. Бундай болалар билан буюмларнинг тузилиши, нисбати ва бошқа характерли параметрлари бўйича қўшимча равишда индивидуал ёндашув асосида таҳлил қилиш машқларини ўтказиш лозим.

Ҳайкалтарошлик машғулотларида болалар ҳайвонларнинг тасвирларини ўзгача қизиқиш билан тасвирлайдилар. Чунки ҳар бир бола ўзи яхши кўрган бирор бир ҳайвон (кучукча, қўзичоқ, бузоқча, улоқча, қўёнча, типратикан ва х.к.)ни ёқтириши мумкин. Машғулот жараёнида ҳайвонлар ҳақидаги қизиқарли ҳикоя, шеър ва топишмоқлардан ўрнида фойдаланиш машғулотни янада қизиқарли ва жонли кечишини таъминлайди. Машғулот мавзуси сифатида мультфильмларнинг қаҳрамонларини танлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Масалан, Насриддин Афанди мавзусида қизиқарли машғулот ташкил этиш мумкин.

Ҳайкалтарошлик машғулотларини бирор бир детали ҳисобига ўхшатиш осон бўлган буюм (ҳайвон)ни тасвирлашга бағишлиш болаларнинг ижодий жараёнга қизиқиб киришишларини таъминлашнинг муҳим дидактик талабларидан бири ҳисобланади. Масалан, қўённинг узун қулоқлари, типратиканнинг тиканаклари уларнинг умумий ҳолатдаги шакли учча ўхшамаган бўлса-да, айнан ўша деталлар ҳисобига характерли жиҳатини очиб бериш осонлашади. Ёки бошқа мисол: жирафа бўйни узунлиги билан бошқа ҳайвонлардан яққол ажralиб туради. Демак, ҳайкалтарошлик машғулотларини ташкил этиш ва уни

болаларга тушунтиришда айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

Ҳайкалтарошлик машғулотларининг яна бир муҳим жараёни ясалган буюмни жамоавий муҳокама қилиш ва баҳолашни ташкил этишдан иборат. Бунда, биринчидан, ҳар бир болани ўзининг ва тенгдошининг ишини таҳлил қилиш ва шахсий мулоҳазаларини эркин баён этишга ўргатиш муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Таълимий аҳамият шундан иборатки, таҳлил жараёнида болалар бажарилган ишни баҳолашда муайян мезон (шаклнинг тўғрилиги, нисбатларни сақланганлиги, буюм характеристикини тавсифловчи деталларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.)ларга аосланган ҳолда ўз билимларини такомиллаштириб борадилар. Тарбиявий аҳамият эса ўзгаларни ишини баҳолашга объектив ёндашган ҳолда реал баҳолаш, бошқалар томонидан бажарилган ишларни камситмасликка ўргатиш орқали болаларда ижтимоий мулоқот ва жараёни (ясалган буюмни) ҳолис баҳолашга ўргатишда намоён бўлади.

Бажарилган ишларни муҳокама қилиш ва баҳолашда тарбиячи ўзига хос педагогик такт билан ҳар бир ишдан муайян ижобий жиҳат топишга интилиши, камчиликларни болаларбоп тарзда уларнинг ишларини камситмаган ҳолда умумлаштириб бериши, биринчидан, ўз ишларининг ютуқ ва камчиликларини малакали мутахассис (тарбиячи) томонидан баҳосини билиб оладилар. Иккинчидан, болаларда ҳам шундай ёндашувга амал қилиш кўнимкамлари тарбияланиб боради.

Ҳайкалтарошлик машғулотларида болалар томонидан тасвирланиши талаб этиладиган, айни

пайтда болаларда бироз қийинчилек туғдирадиган жиҳат - ҳайкалтарошлиқда статика ва динамика ҳақида дастлабки тушунчаларни ҳосил қилишдан иборат. Зоро, дастлабки юзаки кузатишда олинган тасаввурга кўра статик ҳолатда кўринган ҳайкалда аслида динамик ҳолат мавжудлигини ҳис қила билишга ўргата бориш тарбиячининг педагогик фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ва бу жараёнда тарбиячининг аниқ мисоллар асосидаги ишончли изоҳи болаларда мантикий асосга эга тасаввур ҳосил бўлишини таъминлади. Шу ўринда иккита мисол келтириш ўринли. Тошкент шахридаги ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган Амир Темур ҳайкалида икки ёқлама динамика мавжуд. Биринчиси, от олд оёқларини кўтарган ҳолда олдинга интилмоқда. Орқа оёқлари эса катта куч билан уни олдинга интилиши учун тайёр тургандек. Амир Темур отнинг устида ўтирган бўлса-да, нигоҳларини узоққа тиккан ҳолда қўлларининг ишораси билан шу томонга интилаётганлиги билиниб туради. Ҳудди шундай мисолни Андижон шахрида ўрнатилган Заҳирийдин Муҳаммад Бобур ҳайкали (ҳайкалтарош Равшан Миртоҷиев) мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, Тошкент шахридаги Ўзбекистон Миллий боғида ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали (ҳайкалтарошлар Э. Алиев, Н. Бонделадзе) яхшилаб кузатилганда, унинг ўнг қўлидаги асо(ҳасса)си бир қадам олдинга интилган чап оёғига ҳамоҳанг тарзда уни одимлаб кетаётгандек тасаввур ҳосил қиласи. Айрим ҳайкал намуналарида динамикани яққол кўриш мумкин. Навоий шахрида ўрнатилган Фарҳод ҳайкали фавворадан отилиб чиқаётган сув каби кучли динамикага эган. Бу омиллар ҳар бир ҳайкалнинг мазмунига монанд тарзда унинг

композициясида муҳим компонент ҳисобланади. Қолаверса, айнан ҳайкалтарошлиқда тасвирий фаолиятнинг бошқа турларига нисбатан динамик ҳолатни тасвирлаш учун кенг имконият тақдим этилади. Унда муаммосиз пластилин (лой) массасини корректировка қилиш ҳисобига динамик ҳолатнинг турли варианtlарини тасвирлашга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам тарбиячининг машғулот ўтиш мазмунини белгилаш ҳамда мавзуни тушунтириб бериш жараёнида кўлладиган методикасида бу омиллар диққат марказида бўлмоғи лозим.

Тарбиячининг педагогик фаолиятида мавзуларга, ундаги тасвир объектини шакл ва конструктив тузилишига кўра таҳлилий ўрганишда ўхшаш предметларни намойиш этиш орқали таққослаш методидан фойдаланиш, шу йўл билан болаларда тасвир объектининг деталларини эслаб қолиш, уларни умумий ва хусусий ҳолатдаги кўриниши ва функцияси ҳақида тасавурга эга бўлишига эришиш болаларни топшириқни онгли ва тўғри бажаришга йўналтиради.

Болаларда пластик материал – лой (пластилин)га ишлов бериш, улардан шакл ҳосил қилиш малакаларини шакллантириш ҳайкалтарошлиқ машғулотлари методикасининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, бажарилаётган ишнинг хусусиятига кўра мўлжал олиш, яъни ҳайкалчанинг бирор қисми учун материал ажратиб олишда меъёрни тўғри белгилаш, чамалашга ўргатиб бориш лозим. Масалан, лойнинг бир бўлагидан юмалоқ цилиндрсизмон бўлакча ҳосил қилиш учун икки кафт орасида уларни айлантиришда ҳар иккила қўлни

бир хил кучда ҳаракатлантириш талаб этилади, яъни бола қўл ҳаракатларини бошқара олиши лозим. Одатда, мактабга тайёрлов ёшидаги болаларда бундай малакалар шаклланган бўлса-да, уларни қўллашда мунтазамлик йўқлиги боис бу малакаларни барқарор малака деб бўлмайди. Шунинг учун катта ва мактабга тайёрлов гурухларида ҳам техник малакаларни маромига етказиб бориш борасида тизимли машқлар ўтказиб турилади.

Айни пайтда болани ҳосил бўлаётган ишланма (шакл)ни визуал тарзда назорат қилиб боришига ўргатилади, токи уни режалаштирилаётган ҳайкалчанинг конкрет бир қисмига монадлиги таъминлансан. Болаларда бу малакаларни ҳосил қилиш учун ҳар хил методлар қўлланилади:

- тарбиячи иллюстратив материал воситасида тушунтириб беради;
- ўзи бажариб кўрсатади;
- тўғи бажара оладига бола кўрсатиб беради;
- тарбиячи болани қўлидан ушлаб қўлларнинг, кафтнинг, бармоқларнинг ҳолатини, ҳаракт тартибини тушунтириб беради.

Жараённинг кейинги босқичида болаларни ҳосил қилинган цилиндрсимон шаклдан мазмундор шакл ҳосил қилиш ёки уни яхлит ҳайкалчанинг бир бўлаги (масалан, ҳайвоннинг оёклари, қўзиқориннинг банди ва х.к.) сифатида бирлаштиришга оид аввалги йилларда ўзлаштирилган малакалар асосида шакл ҳосил қилишга ўргатилади.

Ҳайкалтарошлик машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш методикасида болаларни буюмларни кузатиш ва уларнинг шаклини идрок этиш, таҳлил

қилиш малакаларини шакллантириб бориши талаб этилади. Таҳлилда объект (буюм)нинг шакли, уч ўлчовли параметрлари, уларнинг нисбати, макондаги холати, функциясига кўра хусусиятларини унинг шаклига мутаносиблиги, буюмнинг характерли жиҳатлари ва бошқа кўрсатгичларини кўра билиш бажариладиган ишни сифатли бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тарбиячи болаларда объектни мақсадли кузатиш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Акс ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга хос хусусият – топшириқни тез бажаришга, иложи борича сифатсиз бўлса ҳам биринчилардан бўлиб якунлашга интилиши таълим сифатига салбий таъсир ўтказади. Болаларни шошилмасдан сифатли иш бажаришга ўргатиш уларни ўз ишларини назорат қилиб боришга одатлантиради. Бу нафақат ҳайкалтарошлик машғулотлари учун, балки умуман ҳар қандай фаолият учун муҳим аҳамият касб этади.

## **БОЛАЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ПЛАСТИК ШАКЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **Тайёрлов гурухлари мисолида**

Пластика ҳайкалтарошликтининг асоси ҳамда унинг бадиий-ифодавий воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳайкалтарошлик машғулотларида болаларнинг пластика ҳақидаги тасаввурларини шакллантириб боришга устувор тарзда ёндашиш талаб этилади. Бу тушунчани мактабгача ёшдаги болаларга сўз билан ифодалаш, тушунтириш қийин, албатта. Бунинг учун аввало, ҳаётий мисоллар билан ҳайкалнинг шакли,

ҳажми, элементларининг ўзаро муносабатлари, ҳаракат (динамикаси)даги уйғунликни кўра билишга ўргатиш лозим. Масалан, пластика рақснинг асоси. Унда гармония, ҳаракат гўзаллиги ўзига хос пластик жозибада намоён бўлади. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: ҳар қандай ҳайкалда ҳам динамика, пластика мавжудми? Масалан, бир қарашда қадимги Миср ва Юнонистон ҳайкалтарошлигига абадият қонуниятларига монанд тарзда ҳайкаллар статик (ҳарактсиз) ҳолатда тасвирлангандек кўринади. Аслида-чи? Аслида диққат билан кўзатадиган бўлсак ҳайкалнинг бир оёғи сал олдинда тасвирланиши одимлаётганига ишора эканлигини англашимиз мумкин. Ёки қўлини тирсагидан, оёғини тиззасидан букилгани - ҳаракат ифодаси. Ҳаттоқи лабининг, кўзининг тасвирида унинг (ҳайкал образининг) жилмаяётганини англаш мумкин. Санъатшунослар ҳамда профессионал ҳайкалтарошлар гўзал статуэткаларни нафас олаётгандек, уларнинг юраги уриб туроётгандек талқин қилишади. Бу каби қизиқарли ҳикоялар болаларни ҳайкалтарошлик асарларига бошқача кўз билан қарашга ундейди, ундан пластика ва динамика элементларини қидиришга ўргатади.

Мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳи болаларининг тасвирий фаолиятида тасвирий саводхонлик элементлари яққол кузатила бошланади. Айрим болаларнинг бу борада алоҳида иқтидорга эгалиги бир қатор хусусиятларда кўринади. Бу ҳолни ҳайкалтарошлик машғулотларида ҳам кўриш мумкин. Чунки бу ёшда болаларда кузатувлар, фаолиятнинг бошқа турларида эгалланган билимлар негизидаги

тасаввурлар асосида ҳайкалтарошлиқ машғулотлари учун мавзулар захираси шаклланган бўлиб, уларда ҳайкалтарошлиқ машғулотларида қўлланиладиган айрим техник усуллар малака даражасида таркиб топган бўлади. Бу ёшдаги болалар буюмларнинг шаклига нисбатан ўлчамларнинг характерли хусусиятлари, уларнинг нисбатлари, буюмнинг характерини очиб беришга хизмат қилувчи, уни тўлдирувчи майда деталларнинг аҳамиятини тушуниш ва уларни тасвирий фаолиятда тасвирлашга интилиш каби сифатлар болаларнинг лой (пластилин) билан ишлаш малакаларида яққол кузатилади. Болалар тасвирий саводхонлик малакалари билан бирга муайян мавзу (композиция) устида ўйлаш (мушоҳада юритиш), ўз тасаввурларини асослаш, лозим бўлган тақдирда уни химоя қилиш малакаларига эга бўладилар. Тайёрлов гуруҳидаги болалар катталарнинг “Бу нима?”, “Нима учун шундай кўринишда тасвирланган?”, “Нима учун бу иш шундай номланди?” каби саволларига мантикий жавоб қайтара оладилар. Шунингдек, атроф-муҳитни кузатиш, олинган тасаввурларни хуносалаш, буюмларнинг макондаги ўрни, жойлашув тартибларининг ўзига хослиги, нисбатлари, муносабатлари, функциялари каби мавзу (композиция) учун муҳим бўлган хусусиятларни тушунадилар. Шунинг учун ҳам, биринчидан, мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳларида мураккаблик жиҳатидан умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфида ўрганиладиган мавзуга яқинроқ мавзуларда ҳайкалча ясаш, иккинчидан, бу жараёнда болаларга кўпроқ мустақиллик бериш лозим.

Мактабгача таълимнинг бошланғич босқичларида болалар, асосан, майда бўлаклардан иборат қисмларни бирлаштириш орқали шакл ҳосил қилган бўлса, тайёрлов гуруҳида таълим олаётган болалар бутун бўлак лой (пластилин)дан ҳайкалтарошлиқ қуроллари ёрдамида йўниш, чўзиш орқали шакл ҳосил қилиш ишларини бажара оладилар. Шундай бўлса-да, бу ёшдаги болалардан ҳайкалтарошлиқнинг барча қонуниятларига амал қилган ҳолда тасвир (шакл) ҳосил қилишни талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, одам ҳайкалчасини ишлаганда унинг рельефсимон бўлаклари (бурун қисмининг бўртиб чиққанлиги, кўз косаси қисмининг ўйиқлиги, пешонанинг дўнглиги, қулоқнинг бурамалари ва ҳ.к.) аниқ тасвирланиши бу ёшдаги болаларга мураккаблик қиласди. Муҳими, болалар тана бўлакларини мос шакллар асосида (масалан, одам гавдасининг бош қисми овалсимон, тухумсимон, айрим қисмлари конуссимон (қиз болаларнинг юбкаси), цилиндрсимонлигини англаган ҳолда гавда қисмларини нисбатларини тўғри ифодалаш (тасвирлаш) асосий дидактик мақсад, болалар тасвирий фаолиятининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг ўзига хос хусусияти умумлашган образни ҳис қилиш ва тасвирлаш малакасини шакллантиришдан иборат.

Айни пайтда шуни таъкидлаш жоизки, болаларни аниқ тасаввурга эга бўлган, шакл жиҳатидан содда кўринишдаги буюмларни ясашда унинг майда деталларини ҳам тасвирлашга босқичма-босқич ўргатиб бориш лозим. Масалан, олма кўринишига

нисбатан шаклан мураккаб эмас. Бироқ унинг банд қисмидаги, гул (бандига қарама-қарши томон) қисмдаги ўйиқларсиз ўхшашлик даражасини таъминлаш қийин. Шунинг учун шаклига кўра мураккаб бўлмаган буюмларнинг деталларини тасвирлашга ўргатиш орқали нисбатан мураккаб деталли буюмлар тасвирига оид мавзуларга ўтиб бориш мумкин.

## **ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШФУЛОТЛАРИ УЧУН НАМУНАВИЙ ИШЛАНМАЛАР**

**Мавзуу. “Менинг севимли кучукчам”.**

**Керакли материал ва жиҳозлар:** дидактик материаллар, пластилин ёки лой, ҳайкалтарошлик стеклари, кўргазмали куроллар, иллюстратив материаллар.

**Машғулотнинг мақсади:** болаларни пластик материал (вой, пластилин) воситасида ҳажмдор тасвир ҳосил қилиш малакаларини ривожлантириш.

**Машғулотнинг вазифалари:**

- пластик материал воситасида элементар шаклдаги бадиий образ яратиш малакаларини шакллантириш;

- ҳайкалтарошлик машғулотлари орқали болаларни бадиий ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш учун психологик база яратиш;

- пластик материаллар билан ишлаш малакаларини такомиллаштириш;

- атроф-муҳитдаги шаклалар, воқеликларни эстетик идрок этиш малакаларини ривожлантириш;

- бажариладиган ишнинг мазмуни ва характеристига мос материал танлаш, меъёр ва мўлжал ҳақидаги тасаввурларини таркиб топтириш;

- пластик материаллар билан ишлаш техникасини такомиллаштириш, бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш.

**Машғулотнинг мазмуни** болаларни кучукча ҳайкалчасини унинг характеристли хусусиятларини ифодалаган ҳолда тасвирилашга ўргатиш, кучукча гавда қисмларини нисбатларини, шаклларини тўғри ифодалаш, майда деталларни бир яхлит бўлакка бирлаштириш, бу жараёнда амал қилинадиган техник усуллар ҳамда иш қуролларидан тўғри ва ўринли фойдаланишга йўналтирилади.

**Машғулотни ташкил этиш ва ўтказиши методикаси.** Машғулотнинг биринчи қисмида тарбиячи болаларга кучукча тасвириланган ҳар хил иллюстратив материаллар, тасвирий санъат асарларидан репродукциялар, фотоматериаллар, болаларнинг ишларидан намуналар кўрсатиб, улардаги кучукча тасвирининг пластикаси, динамикаси, тана аъзоларининг нисбатлари, ҳолатлари ҳақида тушунча беради. Кейин кучукча ҳайкалчасини ясаш босқичларини олдиндан тайёрлаб қўйган бўлаклар ёрдамида кўрсатиб, тушунтириб беради. Болалар бу вазифани бажаришда кучукча тасвирининг қайси бўлаги алоҳида тарзда қандай шаклга эгалиги, уларга қанча микдорда лой бўлаги ажратиб олиш кераклиги хусусида кўрсатма беради.

Керакли кўрсатма берилгандан сўнг болалар мустақил ишлашга киришадилар. Тарбиячи болаларни ишларини кузатиб боради. Айримларига индивидуал

ёрдам бериб, йўл қўйилаётган камчиликларни ўйналтирувчи саволлар билан тушунтириб беради. Бу савол-жавобларга бошқа болаларнинг ҳам эътибори қаратилиб, айрим умумий характердаги камчиликлар машғулот жараёнида бартараф этиб борилади.

Машғулот сўнгида болалар томонидан бажарилган ишларнинг кичик қўргазмаси ташкил этилиб, имкон қадар болаларни мустақил шарҳлашлари, таҳлил қилишлари, ўз ишларини ҳимоя қилишлари учун имконият берилади. Машғулот тарбиячининг умумлашган хуносаси билан якунланади.

### **Мавзу. Кучукча ҳайкалинин ясаш(вариант)**

**Машғулотнинг мақсади:** болаларда уй ҳайвонларига, ўйинчоқларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусини ошириш, уларнинг хатти-ҳаракатларини мақсадли кузатиш, гавда қисмларининг нисбатлари, ҳаракат динамикаси, пластикаси гўзалликларини ангалаш ва тасвиirlаш малакаларини таркиб топтириш.

Лой ва пластилин билан ўйинчоқ кучукчани ясаш технологиясини ўргатиш.

**Машғулот учун керакли материаллар:** лой ёки пластилин, стек, латта, қофоз салфетка, стаканда сув, картон ёки фанер бўлакчаси, намунали иш тасвиirlарининг нусхаларидан кўчирмалар, лой ёки пластилин билан ясалган ҳайкалчалар, ўйинчоқ кучукча ва кучукча иштирокидаги мультфильмларни



Кучукча ўйинчоги

намойиш этиш мосламалари ва ҳ.к.

**Машғулотнинг мазмуни.** Болаларга ўйинчоқ кучукчани ясаш босқичлари тушунтирилади, керакли материаллар ва асбоблар ва намунали иш нусхаларидан кўчирмалар ҳар бир столга тарқатиб чиқилади. Кучукча иштирокидаги мультфильмлардан ёки айнан ўша мультфильмлардаги расмлардан намуналар кўрсатилади.

Кучукча ҳайкалчасини ишлаш босқичлари.

**Биринчи босқич.** Кучукча ҳайкалчасинини ясаш учун унинг гавдасини асосий қисми пластилин ёки лойдан тасвирга қараб овал ҳолатига келтириб олинади. Кейин унинг бир томони бироз бўйин ҳосил қилиш учун букилади ва чўзилади.

**Иккинчи босқич.** Бош ва тана қисми тасвирдаги шаклга келтириб олинади. Кучукча бурни ўрнатиб чиқилади.

**Учинчи босқич.** Қулоқларини тайёрлаб олиб уларни бош қисмiga, оёқларини тайёрлаб олиб уларни намунали тасвирга қараб тана қисмiga ўрнатилади. Тайёр бўлган кучукча ҳайкалчasi тагликка ўрнатиб кўйилади.

Машғулот сўнггида кичик кўргазма ташкил этилиб, болаларнинг ишлари таҳлилий муҳокама қилинади, ютуқ ва камчиликлар ҳақида кўрсатма ва тавсиялар берилади.

Кучукча ҳайкалчасини ясаш учун лой (пластилин)га ишлов бериш босқичлари.



Кучукча ҳайкалчасини ясаш босқичлари

### **Мавзу. Аралаш техникада тошбақа ҳайкалчасини ишлаш.**

**Керакли материал ва жиҳозлар:** пластилин ёки лой, ёнғоқнинг ярим қобиги, ҳайкалтарошлик стеклари.

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларда аралаш техникада ишлаш малакаларини ривожлантириш воситасида уларда турли шаклларда муайян образни тасаввур этиш кўнималарини таркиб топтириш. Турли материалларни комбинациялаш воситасида шакл ҳосил қилиш малакаларни таркиб топтириш.

#### **Машғулотнинг вазифалари:**

- болаларда табиий материалларни эстетик идрок этиш малакаларини ривожлантириш;
- табиий материаллар асосида ҳосил қилинадиган шаклларни образлар сифатида тасаввур этишга оид фантазияларини шакллантириш;

- аралаш техникада ишлаш малакаларини ривожлантириш орқали уларда ижодий қобилиятларни таркиб топтириши;

- қўл бармоқларини сезувчанлигини ошириш, уларнинг майда моторикасини ривожлантириши.

### **Машғулотни ташкил этиш босқичлари.**

**Биринчи босқичда** болаларнинг ҳар бирига биттадан ёнғоқ қобиғи, оз миқдорда лой ёки пластилин тарқатиб чиқиқлади. Тарбиячи бу ишни машғулот бошлангунга қадар бажариб қўйган бўлса, бевосита машғулотнинг иккинчи қисмига ўтиши мумкин.

Ясаладиган тошбақа ҳайкалчаси учун ёнғоқ қобиғини танлашда уларнинг шаклига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки ёнғоқлар шаклига кўра ҳар хил бўлади. Шунинг учун уларни чўзинчоқсимон эмас, айланага яқинроқ, қабариқлиги камроқ бўлган бўлагини танлаш мақсадга мувофиқ. Ҳосил қилинадиган ҳайкалчанинг реаллик, ўхшашлик даражаси болаларда ижодий фаолликни, бажариладиган ишга рағбатни оширади.

Машғулотнинг **иккинчи босқичида** тарбиячи болаларга бажариладиган ишнинг тартиби ва кетма-кетлигини тушунтириб беради. Бу жараёнда тошбақанинг алоҳида элементлари - боши, оёқлари, думини ясашда лой(пластилин)дан керакли парчани ажратиб олиш, уларга ишлов бериш ва мос шаклга келтириш, айрим операцияларни бажариш тартибларини амалда кўрсатиб беради.

Машғулотнинг **учинчи босқичида** болалар тошбақанинг ёнғоқ қобиғига ёпиширадиган элементларини ясаб оладилар. Бу жараённи тарбиячи кузатиб, баъзи болаларга амалий ёрдам беради.

**Тўртинчи босқичда** болалар ясаб олинган элементларни мос равишда ёнғоқ қобиғига ёпиштириб чиқадилар. Бунинг учун дастлаб ёнғоқ қобиғининг ичи лой (пластилин) билан тўлдириб олинади. Акс ҳолда ёнғоқ қобиғининг қалинлиги кам бўлганлиги учун тошбақанинг бош ва оёқлари яхши ёпишмайди ҳамда ҳолати сақланмайди (кыйшайиб, жойи ўзгариб кетади). Ёнғоқ қобиғини лой (пластилин) билан бироз кўпроқ тўлдириш лозим. Шунда тошбақанинг елкасидаги тоши ердан тепароқ ҳолатда бўлади.

Топшириқни тезроқ ва яхшироқ бажарган болаларга ёнғоқ қобиғини юпқа қилиб лой (пластилин) қоплаб, унинг устидан қалам, ручка ёки чўп билан тошбақа тошининг фактурасини чизиб чиқиши топширилса, ҳайкалчанинг реаллик даражаси янада ортади.

Машғулотнинг якуний қисмида бажарилган ишларнинг кўргазмаси ташкил этилиб, улар муҳокама қилинади. Болаларнинг ишларини муҳокама қилаётганда уларни яхши-ёмонга ажратиш тавсия этилмайди. Тарбиячи имкон қадар ҳар бир ишдан бир ижобий жиҳат топиб болани рағбатлантиришга ҳаракат қилиши лозим.

Бажарилган ишлар бир неча кун гуруҳнинг шкафида сақланади. Айримлари кейинги йилги болаларга намуна сифатида кўрсатиш учун олиб кўйилади.

**Машғулот жараёнида бажариш учун тарбиячига тавсиялар.** Болаларни зерикиб колишларини олдини олиш учун дидактик ўйин технологиялари, бармоқчалар учун маҳсус гимнастика машқлари, болаларнинг кайфиятини кўтарувчи турли

ритмик ҳаракатларни бажариш машғулотни кўтаринки руҳда ўтишини таъминлайди.

### **Мавзу. Тошбақа ўйинчоғи ҳайкалчасини тасвирлаш(вариант).**

**Машғулотнинг мақсади:** болаларга тошбақани ясаш техникасини ўргатиш ва уларда ижодкорлигини ривожлантириш. Тошбақа шаклини идрок этишга тайёрлаш.

**Машғулот учун керкли материаллар:** намунали ишнинг ўзи ва нусхалари, ҳайвончалар тасвирланган рангли расмлар, видео роликлар, пластилин, стек, стаканда сув, латта ёки қофоз салфетка ва ҳ. к.


Тошбақа ўйинчоғи ҳайкалчасини тасвирлаш куйидаги босқичларда олиб борилади.

**Биринчи босқич.** Болаларга тошбақа тасвирланган намунали ишлар кўрсатилади. Тошбақа ҳайкалчасини пластилин билан тасвирлаш технологиясидаги босқичлар тушунтирилади. Олов рангли пластилиннинг бир бўлagini олиб уни керак жойидан стек билан кесилади.

**Иккинчи босқич.** Кесиб олинган пластилин бўлакчасини қўллар билан юмшатиб керакли шаклга келтириб олинади.

**Учинчи босқич.** Ярим шар шаклида тайёрлаб олинган тошбақани гавда қисмига унинг бош қисмини кўк рангдаги пластилинда ишлаб сўнгра ўрнатилади.

**Тошбақа ҳайкалчасини хосил қилиш босқичлари.**



*Цирк саұнасидаги томоша күрсатаётган беш тошбақа композициясы.*

**Тұртнинчи босқич.** Тошбақаны түрттә оёғи ва думини тайёрлаб олиб улар тана қысмига үрнатыб чиқилади.

**Бешинчи босқич.** Тошбақаның танасидаги тошини майда бир нечта думалоқталар ясад олиб, улар ёпиштириб чиқилади.

**Олтнинчи босқич.** Яқуний босқичда оқ ва қора пластилииндан тошбақаның күзи тайёрлаб олинади ва ёпиштириб чиқилади. Оғзи стек ёрдамида чизиб ҳосил қилинади ёки очрок рангдаги пластилин билан белгилаб қўйилади.

Тошбақи ҳайкалчасини гурухдаги барча болалар тугатиб бўлгач, болалар бештадан гурухларга бўлиниб,

уларга ясалган ҳайкалчалардан сюжетли композиция тузиш тартиби тушунтирилади. Ҳар бир гурух ўзлари мустақил тарзда мавзу танлаб композиция тузадилар. Масалан, “Циркда томоша кўрсатаётган тошбақалар”, “Саёҳатга кетаётган тошбақалар”, “Доира шаклида ўйинаётган тошбақалар”, “Тоғ бўлаётган тошбақалар” ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Болаларга бундай қизиқарли сюжетли композицияларни тузиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Асосан, тошбақа ҳайкалчасини ясаш технологияси яхшилаб ўргатилиши лозим. Ясад бўлингач болаларга композиция ҳақида бироз тушунча бериб, уларга композиция варианtlаридан намуналар кўрсатилади. Бу омил болаларга топшириқ мазмуни ва уни бажариш тартибини яхши англаш имконини беради.

### **Мавзу. Байрам тортини безаш.**

**Керакли материал ва жиҳозлар:** пластилин ёки лой, стеклар, картон, фанера, пластмасса ёки тахта бўллагидан таглик, ҳар хил шаклдаги чиройли безатилган тортларнинг расмлари.

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларда нақш элементлари, бадиий безак турлари ҳақида дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш. Безак элементларини тўртбурчак, айлана, овалсимон шаклларда яхлит композицияга бирлаштиришга оид элементар малакаларни таркиб топтириш.

### **Машғулотни ташкил этиш босқичлари.**

Машғулотнинг **биринчи босқичида** тарбиячи болаларга тортларни безаш тартиби, турлари ва бошқа жиҳатлари ҳақида маълумот беради.

Кейинги йилларда торт безаш ишлари уларнинг дизайни ва айниқса, устки қисмини безаш борасида жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Эндиликда бу соҳа профессионал даражадаги фаолият турига айланган бўлиб, бундай касбни эгаллаш учун касб-хунар коллежлари, маҳсус курслар ташкил этилган. Табиийки, мактабгача ёшдаги болаларда ҳам торт ясаш ва уни безатишга қизиқиши кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам бу мавзуни қизиқарли тарзда ташкил этиш мумкин. Бунинг учун тарбиячида тортни турли шаклда безатилган намуналарининг иллюстрациялари бўлиши лозим. Тарбиячи уларни намойиш этгач, болалар билан шартли равишда ясаладиган тортнинг шакли, ранги, безак турлари, композициясини муҳокама қиласиди. Муҳокама жараёнида болаларнинг фаоллиги ва улар томонидан билдирилаётган фикрларнинг мустақиллиги, асослилигига алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараён болаларда бўлажак безак ҳақидаги тасаввурларни ойдинлаштиради.

Машғулотнинг **иккинчи босқичида** иллюстратив материал асосида торт безакларини ишлаш тартиби ва кетма-кетлиги тушунтирилайди. Бу жараёнда болаларга муаммоли, йўналтирувчи саволлар берилади, уларнинг тасаввурлари янада конкретлаштирилайди.

Машғулотнинг **учинчи босқичида** болалар бевосита ижодий фаолият билан шуғулланадилар. Машғулотнинг бу босқичида рангли пластилиндан тўғри фойдаланиш, уларнинг ранглар мутаносиблиги, контрастлиги каби жиҳатларини тўғри ифодалаш муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун тарбиячи болаларга кўпроқ маслаҳат берилади, жараённи назорат қилиб боради.

Бажарилаётган ишни болаларга қулай бўлиши учун торт шаклини фақат устки қисми безатилади. Агар торт натурал тарзда безатиладиган бўлса, биринчидан, кўп миқдорда пластилин керак бўлади. Иккинчидан, ишлаш учун нокулайлик келтириб чиқаради.

Айрим болалар топширикни лойдан бажаришлари ҳам мумкин. Бу ҳолатда асосий эътибор безакнинг бўртиқлиқ даражаси, композициясига қаратилади.

Машғулот давомида болаларга безатилган торт иллюстрацияларини вақти-вақти билан қайта намойиш этиб туриш мумкин. Мустақил безак композицияси тузишга қийналадиган болаларга кўчириб ишлаш учун ўзига хос “шпаргалка” - бевосита расмдан бироз соддалаштирилган тарзда кўчиришларига рухсат бериш мақсадга мувофиқ. Бу жараённи ҳам тарбиячи бошқариб, назорат қилиб боради.

Машғулотнинг **якуний босқичида** бажарилган ишларнинг кичик кўргазмаси ташкил этилиб, ишлар муҳокама қилинади. Муҳокама қилишда тарбиячи томонидан ҳам, болалар томонидан ҳам уларнинг ишларини танқид қилиш, камчиликларини кўрсатиб камситишига йўл қўймаслик керак.

### **Мавзу. Олма, унинг барги ва шохини ясаш.**

**Керакли материал ва жиҳозлар:** пластилин ёки лой, стеклар, картон, фанера, пластмасса ёки тахта бўлагидан таглик.

**Машғулотнинг мақсади.** Боларда мантиқий алоқадорликдаги ҳар хил бўлаклар (шох, барг, мева)дан яхлит тасвир ҳосил қилиш малакаларини шакллантириш, лозим бўлган ҳолатда жамоавий ишлаш орқали уларда ижтимоий коммуникативлик

хислатларини, мевали дараҳтларга, умуман экологияга ижобий муносабатларни тарбиялаш.

### **Машғулотни ташкил этиш босқичлари.**

Мактабга тайёрлов гуруҳи ёшидаги болаларда тасвирий фаолиятга оид малакаларнинг шаклланганлик даражаси улар билан нисбатан мураккаброқ мавзуларда машғулотлар ўтказиш учун асос бўлади. Олманинг бўртма (ҳажмдор) шаклини унинг шохи ва банди билан биргаликда, яхлит композиция тарзида тасвирлаш шундай машғулотлар турига киради. Шунинг учун машғулотнинг **биринчи босқичида** тарбиячи болаларга авваллари бажарган ва бугунги топшириқقا ўхшаб кетадиган ишларни эслатади. Болаларнинг хотирларида бажарилган ишлар ҳақидаги тасавурларни ойдинлаштириш учун қисқа муддатли сухбат уюштирилади, уларга саволлар берив, имкон қадар ўзларидан жавоб олишга ҳаракат қилиш лозим. Олмаларнинг шакллари турлича - юмалок, чўзинчоқроқ, каттароқ, кичикроқ бўлиши мумкинлиги натурал тарзда, шунингдек, фото иллюстрациялар воситасида тушунтирилади.

Машғулотнинг **иккинчи босқичида** бажариладиган ишнинг тавсилотлари, тартиблари ва босқичлари тушунтирилади. Тушунтириш жараёни мос иллюстратив материаллар, натурал намуналар ёрдамида амалга оширилса болаларнинг тасвирий-ижодий фаолияти фаол ва кўтаринки руҳда ўтади.

**Учинчи босқичда** 2-3 нафар болалардан иборат “ижодий гуруҳчалар” ташкил этилиб, уларга бажариладиган ишлар тақсимланади: бир бола олмани, иккинчиси унинг баргини, яна бири шохчасини ясади. Олманинг шохчасини пластилин (лой)дан ясамай,

дарахтнинг ўхшаш шохчасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бу жараёнда тарбиячи болалар томонидан бажарилаётган ишларнинг катта-кичиклигига кўра бир-бирига нисбатини тўғри танланиши муҳимлигини тушунтириб боради.

Машғулотнинг **тўртинчи босқичида** гуруҳнинг сардори шериклари билан ҳамжиҳат бўлиб элементларни бирлаштиради, яъни баргларни, олмани шохчага бирлаштириб чиқади. Бу ишни бажаришда олма баргининг ёки новданинг устида бўлиши мумкин. Бу ҳолат тасвирининг ҳажмдорлик даражасини янада орттиради.

Машғулотнинг **якуний босқичида** бажарилган ишларнинг кичик кўргазмаси ташкил этилиб, муҳокама қилинади. Муҳокама қилишда одатдагидек, тарбиячи

томонидан ҳам, болалар томонидан ҳам уларнинг ишларини танқид қилиш, камчиликларини кўрсатиб камситишга йўл қўймаслик керак.

**Мавзу.** **Куёнча ҳайкалини ишлаш.**

**Керакли материал ва жиҳозлар:** пластилин ёки лой, стеклар, картон, фанера, пластмасса ёки тахта бўлагидан таглик, куён тасвирининг тури, кўринишларининг расмлари, иллюстрациялари.

**Машғулотнинг мақсади ва вазифалари.** Болаларда:




Куённинг реалистик тасвири


- берилган мавзу бўйича мазмунли ҳайкалча ясаш малакаларини ривожлантириш;
- ҳайкалтарошлиқ машғулотлари орқали ҳар иккала кўл ҳаракатларини координация қилиш;
- қўлларнинг бармоқларини сезувчанлик хусусиятларини ошириш;
- кўл бармоқларининг майда моторикасини ривожлантириш, сенсор ҳаракат (фаолият)нинг турли-туманлигини (бажарилаётган ишнинг пластикаси, шакли, ҳажми, материали)ни ҳис қилишга ўргатиш;
- болаларни бажарилаётган ишнинг босқичларини режалаштириш ҳамда уни мантиқий якунлашга ўргатиш.

### **Машғулотни ташкил этиш босқичлари.**

Машғулотнинг **биринчи босқичида** қизиқарли савол-жавоблар, иллюстратив материалларни намойиш этиш орқали қуён тасвирининг ўзига хос жиҳатлари, гавда тузилишлари, гавда тузилишига нисбатан аъзоларининг жойлашиши ва нисбатлари, қуённинг ҳаракатланиши ва унинг пластикаси ҳамда динамикаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиб олинади.



Пласталиндан қуёнча ҳайкалини ишилаш босқычлари (вариант).



Пласталиндан қуён ҳайкалчасини ишилаш босқычлари (вариант).



*Пластилиндан ишланган қуён ҳайкалчаси.*

### **Мавзу. Ўйинчоқ айиқча ҳайкалини ишлаш.**

**Керакли материал ва жиҳозлар:** пластилин ёки лой, стеклар, картон, фанера, пластмасса ёки тахта бўллагидан таглик, айиқ тасвирининг турли кўринишларининг расмлари, иллюстрациялари, айиқнинг турли кўринишдаги ўйичоқ ҳайкалчалари.

### **Машғулотнинг мақсади ва вазифалари.**

Болаларда:

- берилган мавзу бўйича мазмунли ҳайкалча ясаш малакаларини ривожлантириш;
- ҳайкалтарошлиқдан олдинги машғулотларда эгалланган амалий малакаларни татбикий ривожлантириб боришга ўргатиш;
- катта ҳажмдаги ёввойи ҳайвон (айиқ ва б.)лар тасвирида кичик ҳажмдаги ҳайвон (масалан, олдинги машғулотда ясалган қуён)лар ўртасидаги ўхшашлик ва

тафовутларни англаш ва тасвирлаш малакаларини шакллантириш;

- қўл бармоқларининг майда моторикасини ривожлантириш;

- бажарилаётган ишнинг босқичларига амал қилган ҳолда тартибли ишлашга ўргатиш.

### **Машғулотни ташкил этиш босқичлари.**

Машғулотнинг **биринчи босқичида**, айниқса, қиз болалар учун энг оммалашган, “Маймоқвой ва қизалоқ Маша” номли мульфильмнинг мазмуни, унинг қизиқарли эпизодлари эсланади. Бу эпизодлардан қайси бирини танлаш ҳақида болалар билан ўтказилган қизиқарли савол-жавоблар асосида танлов, вариант белгиланади. Болаларнинг тасаввурларини конкретлаштириш, тасвирий фантазияларини фаоллаштириш учун иллюстратив материаллар намойиш этилади. Бу жараёнда айиқ гавдасининг ўзига хос жиҳатлари, тузилиши, гавда тузилишига нисбатан тана аъзоларининг жойлашиши ва нисбатлари, айиқнинг ҳаракатланиши ва унинг пластикаси ҳамда динамикаси хусусидаги тасаввурлари хотирада қайтадан тиклаб олинади. Машғулотнинг бу босқичида болаларнинг фаоллиги, мустақил фикр айта олиш, уни асослашга ўргатиш учун қизиқарли ва йўналтирувчи савол-жавоблардан унумли фойдаланиш тавсия этилади.


Машғулотнинг **иккинчи босқичида** керакли миқдорда пластик материал ажратиб олинади ҳамда ундан айиқча ҳайкалчасини ҳосил қилиш усули (тана аъзоларини алоҳида-алоҳида ясад олиб, сўнг бирлаштириш ёки яхлит бўлакдан чўзиш усулида ҳайкалча ясаш) аниқлаб олинади. Айиқчанинг

тасвирида рельефсимон қисмлар унча кўп бўлмаганлиги учун уни яхлит бўлакдан ҳосил қилиш ҳам мумкин. Агар айиқча яхлит бўлакдан ҳосил қилинадиган бўлса, стеклардан кўпроқ фойдаланиш тавсия этилади.

Машғулотнинг **учинчи босқичида** яхлит бўлакдан қўллари ва оёқларини чўзиб чиқариш учун стеклар ёрдамида ёриб олинади. Бу ёриқларни чўзиш орқали қўл ва оёқлар ҳосил қилинади. Айиқчанинг бош қисми эса қўллар билан пластилиннинг бир қисмини чўзиш орқали ҳосил қилинади.

Машғулотнинг **тўртинчи босқичида** стеклар ва бармоқлар ёрдамида айиқчанинг қўллари, оёқлари ва қулоқлари конкретлаштириб чиқилади. Айиқча ҳайкалчасини ишлашда иллюстрациядан ижодий фойдаланиш мумкин.

Машғулотнинг **якуний босқичида**, одатдагидек, болалар томонидан бажарилган ўйинчоқ айиқча ҳайкалчасининг кўргазмаси ташкил этилиб, улар муҳокама қилинади ҳамда машғулотга якун ясалади.



Ўйинчоқ айиқча ҳайкалчасини ясаш босқичлари.

### **Мавзу. Қорбобо ҳайкалчасини ясаш.**

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларда думалоқ шар шаклидаги предметларни идрок этиш, уларнинг катта-кичиклигига кўра комбинациялаш,

конструкциялаш воситасида тасвирлаш малакаларини ўстириш.

**Машғулот учун керакли материаллар:** намунали иш, қорбобо ўйинчоги, пластилин билан ишланган қорбобо ҳайкалчаси, пластилин, стек, салфетка, таглик учун фанер бўлакчаси.

**Машғулотнинг мазмуни.** Болаларга қорбобо ҳайкалчасини ясаш учун керак бўладиган шарчалар шаклини ҳосил қилиш учун уларнинг қўллари машқ қилдириллади. Сўнгра уларга машғулотда пластилиндан қорбобо ҳайкалчасини ясаш босқичлари тушунтириллади. Намунали иш ва унинг нусхалари намойиш этиллади. Машғулот учун керакли материаллар тарқатиб, улардан фойдаланиш тартиби тушунтириллади.

Қорбобо ҳайкалчаси қуидаги босқичларда ясалади:

**Биринчи босқич.** Қорбобо ҳайкалини ишлаш учун керакли пластилин бўлаклари танлаб олинади. Сўнгра уларни керакли шакллар асосида қорбобо қисмлари ясаб олинади. Қорбобо ҳайкалини ишлаш учун оқ пластилиндан озроқ олиб, уларни юмшатиб учта шарикча ясалади: катта, ўртacha ва кичкина. Кўк ёки ҳаворанг пластилиндан чelакча шакли ва тутгмачалар учун шарикчалар ҳосил қилинади.


**Иккинчи босқич.** Қорбобо гавдасини ишлаш учун бир-биридан фарқли учта шарикчалар устма-уст ўрнатиб чиқилади.

**Учинчи босқич.** Кўк ёки ҳаворанг пластилиндан чelакча шакли ҳосил қилиб, қорбобонинг бош қисмига ўрнатилади. Оқ пластилин бўлакчасидан чувалчангга ўхшатиб ясалган қисмини қорбобо бошидаги чelакчани


четига айлана бўйлаб ўрнатилади. Бу эса қорбобонинг қалпоқчаси бўлади.

**Тўртинчи босқич.** Қорбобони пластилиндан ишланган гавда қисми бошидаги қалпоқчаси, кўзи, бурни, оғзи, қўллари ўрнатилгач, унинг кийимидағи тугмача ва қўлидаги таёқча ёки супургиси ўрнатиб чиқилади.

Шунингдек, қиши кунлари табиий қордан турли мавзуларда ҳайкаллар ясаш машғулотларини ташкил этиш ҳам мумкин. Бу болалар учун жуда қизиқарли машғулот ҳисобланади. Болаларга қорлардан ҳажмдор шаклларни ясашни ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Қорлардан жамоавий иш тарзида меъморчилик намуналарини қуриш ҳам яхши натижা беради.



Қорбобо ҳайкалчасини ясаш босқичлари.





Қорлардан ҳайкалчалар ясашда болалар ҳажм хақидаги тасаввурлари самарали ривожланади. Яна

табиий материаллардан лой ва қарағай бужурлари, жүхори сүталари, каштан, грек ёнғоқлари, ер ёнғоқ кабилардан ҳам турли үхшатма ҳайкалчалар ишлаш машғулотларини ташкил этиш ҳам болаларга қувонч бахш этади ва уларнинг бадиий дидлари ривожланади. Шу тариқа улар табиатни эстетик идрок этишни ҳам ўрганиб борадилар.

### **Мавзу. Пластилиндан гул сувенирини ясаш.**

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларни думалоқ шаклидаги шарчалардан муайян мавзу асосида шакл ҳосил қилиш, нисбатан мураккаб шаклларни бадиий-естетик идрок этиш ва тасвилашга ўргатиш.



*Гул шаклини ҳосил қилиш учун  
керакли шакллар.*

**Машғулот учун  
керакли материаллар:**  
Намунали иш варианtlари, сувенир гуллар, пластилин билан ишланган гул шакллари, пластилин, стек, салфетка, фанер ёки картон бўлакчаси.

**Машғулотнинг  
мазмуни.**  
Машғулотнинг бошида болаларга думалоқ шар

шаклини ясашга оид кўл машқлари бажартирилади. Сўнгра уларга машғулотда пластилиндан гул сувенири ҳайкалчасини ясаш босқичлари тушунтирилади. Намунали ишнинг нусхалари кўрсатилилади. Машғулот учун керакли материаллар тарқатиб чиқилади.

Гул сувенирини пластилиин билан тасвирлаш технологияси қуидаги босқичларда олиб борилади.

**Биринчи босқич.** Тасвирга қараб керакли пластилинлар: яшил, қызил, сариқ, қора, оқ ранглиларидан ажратиб олиб, улар керакли шаклларга келтириләди. Гул учун қизил пластилиин, япроқлари ва банди учун яшил, гулни ушлаб турувчи тиргагич учун сариқ шарикчалар керак бўлади.

**Иккинчи босқич.** Қизил пластилиин бўлакчаларидан кичикроқ шарикчалар ҳосил қилинади. Булар гул учун япроқ бўлади. Шарикчалар албатта, турли каттта-кичикликда бўлиши, бир-биридан фарқ қилиши лозим. Шу тариқа қизил пластилиндан ишланган 14-15 та шарикчалардан учта гул ҳосил қилинади.



*Гул япроқлари, банди ва асосини ҳосил қилиши босқичлари.*

**Учинчи босқич.** Бу босқичда гулнинг япроқларини ишлаш учун энг кичкина шарикчалар япалоқланиб, улар карнай сифат қилиб буралади. Ҳар бир гул япроғини ўрнатишда кичикдан бошлаб, катталаштириб устма-уст ёпиштириб чиқилади.


**Тўртинчи босқич.** Бу босқичда, асосан, учинчи босқичда кўрсатилган қизил пластилиндан тайёрлаб олинган шарикчалардан фойдаланиб иккита очилаётган гул ва битта ғунча ҳосил қилинади. Яшил пластилиин бўлакчаларидан гул барги тайёрлаб олинади. Гулни ўрнатиш учун сариқ пластилиндан

маҳкамловчи шарикчалар тайёрлаб олиб, уларни айланба бўйлаб кетма-кет ёпишириб чиқилади.

**Бешинчи босқич.** Яшил пластилиндан гул учун учта банд ясалади. Кейин яшил пластилин бўлакчаларидан япроқчалар банд асосга ўрнатиб чиқилади.

Ҳар бир машғулотда ижодий характердаги топшириқлар билан бирга болаларга турли шакл ва тузилишдаги ўйинчоқлар ясаш техникасини ўргатиш вазифаси ҳам қўйилади. Мактабгача ёшдаги бола тасвирий ва бадиий-техник усулларни қанчалик кўп билса, унинг ўйинчоқлар ясами шунчалик мустақил ҳамда ижодий характер касб этади.

Тасвирий фаолият машғулотларида пластилин ва лой билан ишлаш мактабгача ёшдаги болаларнинг энг қизиқарли машғулотларидан биридир. Бундай



*Атиргул ҳайкалчасини ҳосил қилиши босқичлари.*

машғулотларда болалар ўзларини нафақат эркин ҳис этиш, балки ижодкорлик қобилияtlарини ривожланишига, фикрлаши, дунёқарашларининг кенгайиши, бадиий-эстетик дидларини ўсишига ҳамда кўлларнинг майда маторикаларининг ривожланишига ёрдам беради.

**Мавзу.**                    “Үйинчок”                    **хайвончалар”**  
**хайкалчаларини ясаш.**


**Машғулотнинг мақсади.** Болаларга ҳажмдор шакллар билан ишлашни ўргатиш, уларда рангларни танлай билиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш.




Йўлбарс ҳайкалчаси.



Сигир ҳайкалчаси.




Фил ҳайкалчаси.




Куён ҳайкалчаси.



Куёнча ҳайкалчаси.



Бешиктебратар ҳайкалчаси.



Мультфильмдаги  
Кеша ҳайкалчаси.



Бўри ҳайкалчаси.

**Машғулотни жихозлаш:** турли материаллардан ясалган ўйинчоқ ҳайвончаларнинг ҳайкалчалари ва

уларнинг расмлари, пластилин, стек, латта, идишда сув, видео роликлар ва ҳ.к.

**Машғулотнинг мазмуни.** “Ўйинчоқ хайвончалар” мавзусида машғулот ўтишдан аввал болаларга ҳар бир ўйинчоқ ҳайвончани тасвирлаш босқичлари тушунтирилади.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи-педагоглар машғулот пайтида ҳар бир бола қандай шакл ясашга қизиқиш билдирганини билиб олишдан ташқари ўша композициянинг яхши чиқиши, қизиқарли бўлиши ва тасвирланаётган ҳайвонлар қиёфаси бирор ҳаракатни ифодалаб туриши учун нималар қилиш кераклигини эслатиб туриши лозим.

Ҳар бир болага алоҳида жонивор шаклини тайёрлаш таклиф қилинади. Кейин улар гуруҳдошлари билан биргаликда ўзлари ясаган ҳайвонлар ҳайкалчаларидан қандай композиция ҳосил қилиш хақида ўйлаб кўрадилар. Машғулот жараёнида педагогтарбиячи ўз маслаҳатлари билан болаларга методик ёрдам кўрсатиб бориши, тасвирлаш усулларини эслатиши, баъзи болаларга композицияни қандай тузиш кераклигини кўрсатиб ўтиши ва ўргатиши лозим.

Болаларда ўзлари биладиган ҳайвонларни: қуён, сичқон, күшча, балиқ, жўжа, ўрдак боласи, айиқ ва бошқаларни ясаш истагини уйфотиш, мустақил фаолият кўрсата олиш кўнникмаларини ривожлантириш, сюжетли расм (ҳайкал) ишлашга қизиқиши тарбиялаш, уларни ижодий тарзда яратишни ўргатиш машғулот мазмунининг асосий қисмини ташкил этади. Ҳайвонларнинг шаклини лой ва пластилиндан ясаш

бўйича техник ва тасвирий малакаларни яна ҳам ошириш бўйича машқлар ўтказиш тавсия этилади.

Тарбиячи-педагог машғулот охирида болаларга ўзлари ясаган ўйинчоқларни тахтачада қолдиришни, ўринларидан секин-аста эҳтиёт бўлиб туришни ҳамда столлар атрофидан айланиб ўтиб ким ўз топширигини қандай бажарганлигини кўздан кечириб чиқишини таклиф қилиши, яхши ўйлаб топилган, қизиқарли ишларни маъқуллаб рағбатлантириши лозим. Тарбиячи-педагог болалар билан ясаган ўйинчоқларни битта катта тахта устига териб чиқади. Ясалган ҳайкалчалар гуруҳдаги шкафга териб кўйилади. Болалар билан биргаликда ясалган ўйинчоқ ҳайкалчалардан кичик саҳна кўринишини кўрсатиш ҳам уларда тасвирий фаолитига қизиқишини фаоллаштиради, уларнинг тижодий қобилияtlарини ривожланишига ижобий таъсир ўтказади. Бу қандай саҳна кўриниши бўлиши мумкин. Масалан, мультфильм қаҳрамонларидан бир кўриниш бўлиши мумкин.



*Мультфильмлар ва эртакларнинг қаҳрамонларининг пластилиндан ясалган ҳайкалчалари .*

Машғулот охирида болалар билан биргаликда қизиқарли бўлган эртак ёки мультфильм қаҳрамонларини эслаб, фикрлаш орқали улардан гуруҳли бир сюжетли композициялар тузилади ҳамда

болалар нутқини, фикрлашини, ижодкорлигини ривожлантириш учун улардан ясаган ҳайвончаларидан тузилган композициядаги қаҳрамонларга овоз бериш, уларни жонли қилиб ўйнатиш билан сюжет асосида мантикий фикрлаш, нутқни ривожлантириш амалга оширилади. Тарбиячи-педагог эса бунда режисёрлик вазифасини бажаради. Ясалган ҳар бир ўйинчоқ ҳайкалчаларга овоз берилади. Бундай ижодий жараён орқали уларнинг нутқлари ҳам равонлашади. Қолаверса, бундай машғулотлар болаларга комплекс таълим ва тарбия беришга ва уларни мактабга тайёрлашга яқиндан ёрдам беради.

Болалар билан эртак сюжети бўйича ўйинчоқ ясашдан олдин тарбиячи-педагог ота-оналарга ўз болалари билан биргаликда ўша эртакни ўқиши, боланинг эътиборини персонажлар характеристига ва уларнинг ҳаракатларига қаратиш топшириғини бериш мумкин.


### **Мавзу. Сигир ҳайкалчасини ишлаш.**

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларга сигирни ясаш техникасини ўргатиш ва ижодкорлигини ривожлантириш. Уй ҳайвонларининг конструктив тузилишини идрок этишга ўргатиш.

**Машғулот учун керакли материаллар:** намунали ишнинг ўзи ва нусхалари, ҳайвончалар тасвирланган рангли расмлар, видео роликлар, пластилин, стек, стаканда сув, латта ёки қофоз салфетка ва ҳ. к.

Сигир ҳайкалчасини ишлаш технологияси куйидаги босқичларда олиб борилади:

**Биринчи босқич.** Болалар сигир ҳайкалига керакли материаллар билан таништирилади. Сигир ҳайкалини ишлаш технологиясидаги босқичлар тушунтирилади. Болаларга босқичлар билан ишланган расмдан нусхалар беріб чиқылади. Сигир ҳайкалини ишлаш учун кулранг, сариқ, қора ёки жигарранг рангдаги пластилинлар танлаб олинади.



Сигир ҳайкалласини ишлаш босқичлары. Шаклиға келтирилади. Шохи эса сариқ рангдаги пластилиндан


ясалади. Сүнгра қулоғи ва сочи қора рангли пластилиндан тайёрланади. Бөш қисмини ишлаш якунида күзи, бурни ва оғзи ишланади.

**Учинчи босқич.** Гавда қисмини кулранг рангдаги пластилиндан олиб уни ҳам худди бөш түзилишига ўхшатыб

ишлаш технологиясидаги босқичлар тушунтирилади. Болаларга босқичлар билан ишланган расмдан нусхалар беріб чиқылади. Сигир ҳайкалини ишлаш учун кулранг, сариқ, қора ёки жигарранг рангдаги пластилинлар танлаб олинади.

### **Иккинчи босқич.**

Сигирни боши учун кулранг рангли пластилин олиб уни нок



Уч ўртоқ сигирлар суҳбати мавзусида сюжеттеги композиция.

олинади. Лекин у бош қисмiga нисбатан каттароқ қилиб ишланади. Сигирни ола-була қилиш учун устига қора холча учун кичкина думалоқ шарикчалар тайёрлаб олиб, уларни тана қисмiga ёпишириб чиқилади.

Тайёрлаб олинган бош ва тана қисми бириктириб чиқилади. Сүнгра оёғи кулранг, туёғи эса қора пластилиндан ясалади. Түртта оёғи чувалчангифат қилиб олинади, туёғини эса кичикроқ куртларга ўхшатиб тайёрлаб олиб, уларни расмдагидай қилиб буқланади. Тайёрлаб олинган оёқ ва туёқларни сигирнинг гавда қисмiga бириктириб чиқилади. Сигирларни елин қисмини пушти рангли пластилиндан ясаб, уларни қорин қисмiga ёпишириб чиқилади. Сигир ҳайкалчаси тайёр бўлгач машғулот охирида улардан фойдаланиб, болалар билан биргаликда сюжетли композиция ҳақида суҳбатлашиб олинади. Кейин болалар ўзлари гуруҳдошлари билан биргаликда бирор мавзу асосида сюжетли композиция тузишади. Масалан, “Учта дўст сигирлар суҳбатда”, “ Қўрғон ичидаги сигирлар” ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Болалар билан сигир ҳайкачасини ишлаб тутатгач, болаларга сюжетли композиция тузиш айтилади. Болаларнинг 3-4 нафари бирлашиб гуруҳларга ажralиб, ўзлари мустақил мавзуларни ўйлаб топиб сюжетли композиция тузадилар. Агарда композицияга мавзу топишга қийналишса, уларга бироз ўйналиш бериш лозим. Яъни тарбиячи-педагог болаларга бир неча мавзуларни мисол қилиб келтириб, уларни расмларидан нусхалар кўрсатади. Сүнгра уларга композицияни бошлаш айтилади. Бундай композиция ишлаш болаларга жуда қизиқарли

машғулот ҳисобланади. Шунинг учун улар бундай машғулотта фаол иштироқ этишади.

### **Мавзу. Ўйинчоқ оқ айиқ ҳайкалчасини ясаш.**

**Машғулотнинг мақсади.** Оқ айиқни эстетик идрок этишга, уларга керакли рангдаги пластилиналарни танлай билишга, пластик материалдан хажмдор шакл ҳосил қилишга ўргатиш. Болалар қўлларининг майда маторикаларини ва ижодкорлигини ривожлантириш.


**Машғулотнинг мазмуни.** Машғулотда бажариладиган ишлар ҳақида тушунча берилади. Намунали ишлардан нусхалар кўрсатилб, жараённинг тафсилотлари тушунтирилади.

**Машғулотни жиҳозлаш:** картон, пластилин, намунали иш ва унинг нусха кўчирмалари, салфетка, стек, стаканда сув, видео роликлар ва ҳ.к.

Оқ айиқ ўйинчоғи ҳайкалчасини тасвирлаш технологияси қуидаги босқичлар асосида олиб борилади.



Яхлит пластилин бўлакчаси.



Яхлит пластилинни стек билан бўлакларга бўлиши.



Оқ айиқнинг гавда қисми учун тайёрлаб қўйилган бўлакчалари.

**Биринчи босқич.** Оқ айиқ ҳайкалини ишлаш учун битта оқ пластилин керак бўлади. Кўзи ва бурни учун бироз қора рангдаги пластилин олиб ишланади. Бир бўлак яхлит пластилин бўлакчасини намунадаги 2-

расмдагидай қилиб, стек билан 4 бўлак қилиб чизиб олинади. Сўнра бир бўлакчаси қирқиб олинади.

**Иккинчи босқич.** Пластилиндан тайёрлаб қирқиб қўйилган бўлакчалардан айиқчанинг оёғи, думи, икки қулоғи ишланади. Кенг ва катта цилиндрик бўлакчалардан эса айиқнинг оёқлари тайёрланади. Кичкина шарикчалардан қулоқлари ва думи тайёрланади.

**Учинчи босқич.** Оқ айиқнинг гавда қисми ишланади. Катта бўлаклардан тайёрланган гавда қисмига оёқлари ўрнатиб чиқилади. Сўнгра қора пластилдан бошқа элементлар - қулоғи, оғзи, кўзи ва бурни ишланади. Оқ айиқ ҳайкалчаси шу тариқа якунланади.



Тайёрлаб қўйилган бўлакчалар дўмалоқлаб чиқилади.



Оқ айиқчани гавдасига оёқлари ва қулоги, думи ўрнатилади.





Оқ айиқ ҳайкалчасини якунлаши босқичи.

### **Мавзу. Мушукча ҳайкалчасини ясаш.**

**Машғулотнинг мазмуни.** Болаларга ўйинчоқ мушукчадан натура сифатида фойдаланиб, мушук тасвирини ясашни, ўйинчоқ қисмларининг характеристерли шаклларини ясашни: танаси овал шаклида, бош қисми шар шаклида хосил қилиниши, кейин унинг тумшуғини сал чўзиб чиқариб қўйишни, қулоқларини учбурчак шаклида чимдимлаб чиқаришни, оёқларини устунчалар кўринишида ишлашни, ўйинчоқ қисмларининг

мутаносиблигини ва тўғри жойлашувини таъминлашни ўргатиш, ўйинчоқ қисмларининг мутаносиблигини ва тўғри жойлашувини таъминлашни ўргатиш, ўйинчоқ қисмларини бир-бирига ёпишириш, умумий шаклдан чимдиг ёки чўзиб деталлар (мушукчанинг тумшуғи, қулоқлари) ҳосил қилиш усулидан фойдаланиш кўникмалари мустаҳкамланади.



*Пластилиндан  
мушукча  
ҳайкалчасини  
тасвиплаш.*

*Мушукча ҳайкалчасини ясаш босқичлари.*

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларга пластилин билан ишлаш технологиясини ўргатиш. Уларда эстетик дид ваижодий қобилияларни ўстириш.

**Машғулот учун керакли материаллар:** намунали иш ва унинг кўчирма нусхалари, пластилин, картон, фанер бўлакчаси, латта, идишда сув, ёғоч қалам-стек, ўйинчоқнинг асл намунаси.

Үйинчок мушукча ҳайкалчасини ишлаш қуйидаги босқичларда олиб борилади.

**Биринчи босқич.** Бунда, аввало, зарғалдоқ ёки кулранг рангдаги пластилиннинг бир бўлагини намунадаги тасвирларга қараб цилиндрифат қилиб тайёрлаб олинади. Сўнгра унинг икки томони стек ёрдамида айрига ўхшатиб кесилади. Кейин тайёрлаб олинган бўлакнинг икки томонли айри қисми яrim доирасимон қилиб букилади.

**Иккинчи босқич.** Бу босқичда мушукчани бош қисми ишланади. Боши, бурни, оғзи, кўзи, қулоғи, мўйлови расмда кўрсатилгандек тайёрлаб олинади.

**Учинчи босқичда** мушукчани бош қисми гавда қисмига бириктирилади. Сўнгра думи ўрнатилади.

**Тўртингчи босқичда** мушукчани йўл-йўл чизиқчалари тайёрлаб олиб ўрнатиб чиқилади.

Болаларга мушукчани бошқача вариантини юкорида кўрсатиб ўтилган босқичлар асосида ишлатиш ҳам мумкин.

### **Мавзу. Пингвинчаларни тасвирлаш.**


**Машғулотнинг мақсади.** Пингвинчалар мисолида болаларни Шимол жониворлари ҳаёти билан таништириш, уларни эстетик идрок этишга, уларга керакли рангдаги пластилинларни танлай билиш ва улардан мос тарзда ҳажмдор шакллар ҳосил қилишга ўргатиш. Болалар қўлларининг майда маторикаларини ва ижодкорлигини ривожлантириш.

**Машғулотнинг мазмуни.** Болаларга машғулот давомида бажариладиган ишлар тушунтирилади, намунали ишлардан нусхалар намойиш этилади ва

улардаги тасвирларнинг хусусиятлари ҳақида тушунча берилади.

**Машғулотни жиҳозлаш:** картон, пластилин, намунали иш ва унинг нусхалари, салфетка, стек, стаканда сув, машғулот мавзусига оид видео роликлар ва ҳ.к.

Пингвинчалар ҳайкалчасини ишлаш технологияси қуидаги босқичларда олиб борилади.



Пингвинчани пластилиндан ҳайкалчасини ишлаш технологияси



Пластилиндан ишланган пингвинча ҳайкалчаси

**Биринчи босқич.** Болаларга пингвинчаларни тасвирлаш технологияси тушунтирилади. Уларга босқичлар асосида ишланган варианти ва намунали тасвир нусхалари кўрсатилади, керакли материаллар етарли даражада тарқатиб чиқилади.



“Ота-она пингвин боласи билан мавзусида сюжетли композиция тузиш.

**Иккинчи босқич.** Болаларга пингвинчани тасвирлаш технологияси ҳақида тушунчалар берилади.

**Учинчи босқич.**

Пингвингчани тана қисми қора пластилиндан тухум шаклида тайёрлаб олинади. Қорин қисмидаги оқ жойини оқ пластилдан оввал шаклга келтириб олиб, уни япалоқлаб кейин гавда қисмига ёпиштириб чиқлади.

**Тўртинчи босқич.** Кўзи, тумшуғи, қўли, оёғи ва бош кийими керакли шаклларга келтириб тайёрлаб олинади. Сўнгра уларни гавда қисмидаги керакли жойларига бириттириб чиқлади.

**Тўртинчи босқич.** Тугалланган пингвингча ҳайкалчаси қўлни хўллаб олиб текислаб чиқилади. Сўнгра улардан сюжетли композиция тузиш мумкин.

Бундай композиция мавзулари қўйидагича бўлиши мумкин: пингвингчалар бир қатор бўлиб кетишишмоқда ёки бир қатор бўлиб келишишмоқда, улар сувга тушиб кетишишмоқда, муз бўлакчасида ўтириб кетишишмоқда ва х.к.

### **Мавзу. Фоз ҳайкалчасини ясаш.**

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларда парандаларга меҳр-муҳаббат ҳиссини ошириш. Пластилиндан парандаларни ясаш технологиясини ўргатиш.


**Машғулотни жиҳозлаш:** лой ва пластилин, стек, қоғоз салфетка, латта, картон ёки фанер бўлакчаси, лой ёки пластилиндан ишланган намунали ўйинчоқ ғозни ҳайкалчаси, ғоз тасвири акс эттирилган репродукциялар.

**Машғулотнинг мазмуни.** Болалар мавзу билан таништирилади. Ўйинчоқ ғозни асл ўзи ва нусха тасвиirlари, керакли материаллар ва асбоблар билан таъминланилади. Паррандалар иштирокидаги мультфильмлар, уларнинг расмлари кўрсатилади.


Ғознинг ҳайкалчасини лой ёки пластилидан ясаш технологияси тушунтирилади.

### **Ғоз ҳайкалчасини ясаш босқичлари:**

**Биринчи босқич.** Лой ёки пластилин бўлакчасидан ғознинг асосий тана қисми расмдаги биринчи босқич тасвири каби керакли шаклга келтириб олинади.



Биринчи босқич.



Иккинчи босқич.



Учинчи босқич.

**Иккинчи босқичда** намунадаги иккинчи тасвирга қараб ғознинг тана ва бўйни асосий қисмдан чўзиш усулида ҳосил қилинади.

**Учинчи босқичда** эса ғознинг бош қисми, патлари, думи ва бошқа майда қисмлари ишланади. Ғоз ҳайкалчаси фанер ёки картон устига маҳкамланади.

Машғулотнинг охирги босқичида намланган қўл билан ҳайкалчанинг сирти силлиқлаб чиқилади. Агарда лой билан ишланган бўлса, уларни қуритиб, сўнгра унга гуашь ёки акрил бўёқларида ранг бериб чиқилади. Берилган ранг қуригач уларни устидан яна лак билан қоплаб қўйиш ҳам мумкин. Шунда гуашь ранги тиник бўлиб қўринади ва чанг бўлса артиб тозалаб туришга қулай бўлади.


## **Мавзуси. Хўроз ҳайкалчасини ясаш.**

**Машғулотнинг мақсади.** Болаларда уй парандаларига нисбатан қизиқиши ошириш ҳамда уларга парандаларни пластик материаллардан ясаш технологиясини ўргатиш.


**Машғулотни жиҳозлаш:** лой ва пластилин, стек, қофоз салфетка, латта, картон ёки фанер бўлакчаси, лой ёки пластилиндан ишланган намунали ўйинчоқ хўроз ҳайкалчаси, фотоиллюстрациялар.

**Машғулотнинг мазмуни.** Болалар мавзу бўйича бажариладиган ишларнинг тафсилотлари билан таништирилади. Ўйинчоқ хўрозвчани асл ўзи ва нусха тасвирлари, керакли материаллар ва асбоблар билан таъминланилади. Товук ва хўролар ва бошқа паррандалар иштирокидаги мультфильмлар, уларнинг расмлари кўрсатилади. Хўроз ҳайкалчасини лой ёки пластилиндан ясаш технологияси тушунтирилади.


Хўроз ҳайкалчасини ясаш босқичлари:



Биринчи босқич.



Иккинчи босқич.



Учинчи босқич.



Тўртинчи босқич.



Бешинчи босқич.

**Биринчи босқич.** Лой ёки пластилин бўлакчасидан хўroz танасининг асосий қисми расмда тасвирланганидек овал шаклида ясалади.

**Иккинчи босқич.** Намунадаги иккинчи тасвирга қараб хўrozнинг тана қисмини худди тарвуз тилигига ўхшаш шаклга келтириб олинади.

**Учинчи босқич.** Хўrozнинг бош қисми, патлари ва дум қисми керакли шаклга келтирилади.

**Тўртинчи босқич.** Намунадаги хўroz тасвирига қараб бош, тана ва дум қисмларига қайта ишлов бериб, деталларга аниқлик киритилади.

**Бешинчи босқич.** Хўroz тасвирининг майда қисмлари тайёрлаб олинади. Сўнгра улар ҳайкалчанинг бош ва тана қисмига бириттириб чиқилади. Намланган қўл билан хўroz ҳайкалчаси

силлиқлаб чиқилади. Хўroz ҳайкалчаси лойдан ясалган бўлса, худди ғоз ҳайкалчаси каби уларни қуритиб, сўнгра гуашь ёки акрил бўёқларида ранг бериб чиқилади. Берилган ранг қуригач, уларни устидан лак билан қоплаб қўйиш ҳам мумкин.

## **ХУЛОСА**

Мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гуруҳларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлик машғулотлари ҳар томонлама сифатли тарзда кечади. Чунки бу ишда болаларнинг жисмоний жиҳатдан анча ўсган, қўлларнинг майда мускулчалари ривожланган, бармоқчаларнинг ҳаракатлари нисбатан майда нарсаларни аниқ бажарадиган, кўзлари анча равшанлашган бўлади. Болалардаги бу жисмоний-физиологик ривожланишлар ҳайкалтарошлик машғулотларида мураккаброқ - икки ва уч элементли, масалан, олманинг меваси, барги, новдасидан иборат яхлит композиция ишлаш, товуқ ва жўжачалар каби мавзуларда ҳайкал ишлаш машғулотларини ташкил этиш мумкин. Шунингдек, болаларда ўзлари ва тенгдошлари томонидан бажарилган ишларнинг бадиий-эстетик жиҳатларини илғаш, идрок этиш ва баҳолаш, ўзларининг ишларига танқидий ёндашиш, жараённи мустақил равишда тўғри ташкил, топшириқни бажаришга фантазияни татбиқ этиш малакалари шаклланган бўлади. Бу сифатлар ҳайкалтарошлик машғулотларида турли материал ва техникадан фойдаланиш имконини беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

Боголюбов М.С. Лепка на занятиях школьном кружке. - М.: Просвещение, 1988. - 144с., ил.

Иванова Т.Е. Занятие по лепке в детском саду. Методическое пособие. - М.: Сфера, 2010. - 96 с.

Конышева Н.М. лепка в начальных классах: Кн. для учителя. Из опыта работы. - 2-е изд., дораб. - М.: Просвещение, 1985. - 80 с., ил., 4 л ил.

Левин С.Д. Беседы с юным художником. Вып. II. - М.: Сов. художник, 1988. - 320 с., ил.

Методика обучения изобразительной деятельности и конструированию: учебное пособие для учащихся пед. училищ по специальности «Дошкольное воспитание» / Т.С. Комарова, Н.П. Сакулина, Н.Б. Халезова и др.; Под ред. Т.С. Комаровой. - 3-е изд., дораб. - М.: Просвещение, 1991. - 256 с.: ил.

Пластилин ва лой иши. Боғча тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчилари учун методик тавсиялар. / тузувчилар М.Умарова, Ж.Жиловов. - Тошкент: ЎзПФИТИ, 1993. - 53 б.

Сакулина И.П., Комарова Т.С. Изобразительная деятельность в детском саду. Пособие для воспитателей. - 2-е изд. испр. и доп. - М.: Просвещение, 1982. - 208 с., ил. 16 л. вкл.

Шаҳодатов М. Ҳайкалтарошлиқ ва пластик анатомия. Ўқув қўлланма / А.Сулаймоновнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: “Фан ва технология” нашриёти, 2004. - 104 б.

Халезова Н.Б. Народная пластика и декоративная лепка в детском саду: Пособие для воспитателя. - М.: Просвещение, 1984. - 112 с., ил.

Халезова Н.Б., Курочкина Н.А., Пантиухина Г.В. Лепка в детском саду: Пособие для воспитателя. - М.: Просвещение, 1986. - 122 с., ил.

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛАРИ

Ҳайкалтарошлиқ машғулотларида болаларни машғулотларнинг мазкур турига қизиқишиларини оширишда жаҳон ва Ўзбекистон ҳайкалтарошлари, уларнинг машҳур асарлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериш боларда ижодий фаолликни таъминлашга хизмат қиласди.

### **ДАМИР РЎЗИБОЕВ**

Ўзбекистон тасвирий санъатининг ҳайкалтарошлиқ турини мустақил тур сифатида ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ҳайкалтарош Дамир Солижонович Рўзибоев 1939 йилда Самарқандда таваллуд топган. Ҳайкалтарошлиқдан дастлабки билимни Республика рассомлик коллежида эгаллаган. Ижодкор сифатида ҳайкалтарошлиқнинг бир қанча йўналишларида юқори бадиий савияга эга бўлган асарлар яратган. Бу асарлари ичida портрет жанрига оид “Саида”, “Рассом В. Савицкий”, рамзий-композицион характердаги “Семурф”, “Наврўз маликаси”, “Тўй”, “Мусиқа” каби асарлари композицион мукаммаллиги, мазмундорлиги билан ажralиб туради.

Дамир Рўзибоев ижодида аждодларимиз образини яратиш мавзуси ҳам алоҳида ўрин тутади. Бунга унинг Абу Райхон Беруний сиймоси тасвирланган “Мутафаккир” асари мисол бўла олади.

Дамир Рўзибоев ижодига хос жиҳатлардан яна бири - ижодкор ҳайкалтарошлиқда қўлланиладиган турли материаллардан асарлар яратган. Бу

материаллар сирасига ёғоч, бронза, шамот кабиларни киритиш мумкин.

Дамир Рўзибоев ижодий фаолият билан жамоатчилик ишларини ҳам бажариб келган. У турли йилларда Ўзбекистон Давлат Санъат музеи директори, Санъатшунослик институти ходими сифатида фаолият кўрсатган. Дамир Рўзибоевнинг ижодий фаолияти, жамоатчилик ишлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан муносиб баҳоланиб, унга 1985 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвони берилган.

## **ИЛХОМ ЖАББОРОВ**

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ҳайкалтарошлигига буюк соҳибқирон Амир Темур образини яратиш борасида ўлкан ишлар амалга оширилди. Бу ишларда, шубҳасиз, Илхом Жабборовнинг ижоди муҳим ўрин тутади. Зеро, Илхом Жабборов томонидан яратилган ва Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида ўрнатилган, композицион ечим нуқтаи назаридан турлича шаклга эга бўлган ҳайкаллар эндиликда нафақат тарихий ҳақиқат тантанаси, балки Ўзбекистоннинг маданий, сиёсий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган муҳим ёдгорлик, Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг ноёб намунаси сифатида эътироф этилади.

1945 йилда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида таваллуд топган Илхом Жабборов Республика рассомлик билим юрти, Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олган. Фаолиятининг дастлабки йилларида турли материаллардан туркум асарлар яратди. Унинг ижодида тарихий шахслар сиймосини яратиш етакчи ўринни эгаллаган. Унинг Машраб, Фурқат, Алишер Навоий, Аҳмад ал-Фарғоний,

Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодлармиз сиймолари акс эттирилган асарлари Ўзбекистон тарихининг ёрқин сахифаларидан биридир. Тошкент шаҳридаги “Мотамсаро она”, “Бахтиёр она” ҳайкаллари хорижлик сайёҳлар томонидан катта қизиқиш билан томоша қилинади.

Илҳом Жабборов ўз асарларини турли техника ва материаллар асосида яратган. Ҳайкалтарош ўз ижодида ёғоч, мис, бронза, гранит, шамот каби материаллардан кўплаб асарлар яратган.

Илҳом Жабборов ижод билан бирга педагогик фаолият олиб боради. Дастлаб (1995 йилдан) Республика рассомлик коллежида, 1997 йилдан эса Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳайкалтарошлик устахонаси раҳбари, институт профессори сифатида баракали меҳнат қилиб келмоқда.

Илҳом Жабборов мамлакатимиз ҳайкалтарошларидан биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги этиб сайланган. 1989 йилда унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвони берилган. 2001 йилда эса “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган.

## **ЖАЛОЛИДДИ (РАВШАН) МИРТОЖИЕВ**

Жалолиддин Турсунович Миртожиев (1954 йил Тошкент шаҳрида туғилган) мустақиллик йиллари миллий ҳайкалтарошлигининг ёрқин вакили сифатида Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихида ўчмас из қолдирди. Айниқса, унинг қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида хурмат-эҳтиромга лойиқ. Жумладан, санъаткор ўзининг Абдулҳамид Чўлпон (Андижон), Абдулла

Қодирий (Тошкент), Абдурауф Фитрат (Бухоро) каби асарлари билан тарихий ҳақиқатни миллатимиз тарихи зарварақларига муҳрлаганини чуқур эҳтиром билан эътироф этиш мумкин.

Равшан Миртоҗиев ижодида Алишер Навоий образи алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, у яратган Навоий сиймоси нафақат юртимизда, балки Москва, Токио каби дунёнинг йирик шаҳарларида салобат тўкиб турибди. Шунингдек, буюк аждодларимиз, Шарқнинг таниқли аллома ва олимлари ал-Фарғоний (Қоҳира), Абу Али ибн Сино (Рига), Камолиддин Беҳзод (Хитойнинг Чанчунь шаҳри) кабиларнинг ҳайкаллари ўтмишимиз нақадар буюк бўлганлигини бутун дунёга овоза қилмоқда. Ҳайкалтарошнинг Андижон шаҳрига ўрнатилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур образи улуғворлик рамзи сифатида Ўзбекистон ҳайкалтарошлигига муносиб баҳоланганд.

Равшан Миртоҷиев ижодий фаолият билан бирга Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг ўринбосари сифатида баракали меҳнат қилди. Ўнинг фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланиб, унга 2003 йилда “Ўзбекистон халқ рассоми” унвони берилган.

Равшан Миртоҷиев 2015 йилда вафот этган.

## **ЖЎЛДОСБЕК ҚУТТИМУРОДОВ**

1934 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилган. 1961 йилда Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини (ҳозирги Республика рассомлик коллежи) тамомлаган. Ижодий фаолиятини Қорақалпоғистон давлат нашриётида бош рассомликдан бошлаган Жўлдосбек Қуттимуродов 1964 йилдан буён И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида таъмирловчи

рассом, 1997 йилдан Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ижодкор сифатида Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигига асос солган.

Куттимуродов Жўлдосбек Жонтоевичнинг жамоатчилик фаолияти, ижодий ишлари муносаба баҳоланган. 1972 йилда унга Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган, 1982 йилда эса Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари берилган. Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилиши муносабати билан 1997 йилдан Бадиий академия академиги. 1972 йилда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотига (“Менинг Қорақалпоғистоним” мавзусидаги туркум асарлари учун), 2000 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Олтин медалига сазовор бўлган.

Жўлдосбек Куттимуродов ижодида қорақалпоқ мавзуси устуворлик касб этади. “Келинчак”, “Соҳибжамол”, “Гулойим” каби асарлари шулар жумласидандир. Унинг “Беруний”, “Тумарис” каби тарихий жанрдаги асарлари ҳам ҳайкалтарошнинг юксак профессионал салоҳиятга эга, турли жанр ва мавзуларда нодир асарлар яратувчи ижодкор сифатида нафақат мамлакатимиизда, балки ундан ташқарида ҳам таникли санъаткор сифатида эътироф этилишига асос бўлди. “Амударё” (ёғоч), “Анахита - сув ва ҳосилдорлик худоси” (ёғоч) каби асарлари табиий материалларга бадиий ишлов бериш воситасида жозибали бадиий образ яратишнинг мумтоз намунаси сифатида эътироф этилади.

## **Ҳайкалтарошлик атамаларининг ИЗОХЛИ ЛУФАТИ**

Барельеф - бир томонлама кўриладиган ўйиқлик даражаси паст бўлган ҳайкалтарошлик тури.

Бьюст - реал тарзда ишланган инсон образининг боши ва елка қисми тасвирланган ҳайкалтарошлик асари.

Гипс - ҳайкалтарошлиқда қўлланиладиган оқ тусдаги табиий материал.

Горельеф - бир томонлама кўриладиган ўйиқлик даражаси юқори бўлган ҳайкалтарошлик тури.

Декоратив ҳайкалтарошлик - бизнинг мисолимизда ўйинчоқлар тарзида ишланган майдада ҳайкалтарошлик намуналари.

Динамика - ҳайкалтарошлиқда ҳаракатни ифодаловчи тушунча.

Каркас - ҳайкалнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун ишлатиладиган қурилма.

Майда пластика - қаттиқ жисмлар (тош, мармар, фил суяги, металл ва б.)дан кичик ҳажмда ишланган ҳайкалчалар

Мармар - ҳайкалтарошлиқда ишлатиладиган қаттиқ табиий материал.

Монументал ҳайкалтарошлик - бирор бир воқеликни юксаклигини намойиш этишга бағишиланган ҳайкалтарошлик намунаси.

Пластика - ҳайкалтарошлиқда нафис ҳаракатни англатувчи тушунча.

Реал ҳайкалтарошлик - нарса ва буюмларнинг, одамлар ва ҳайвонларнинг кўриниши ҳақиқий (реал) тарзда тасвирланган ҳайкалтарошлик.

Рельеф - юзага ўйиб ишланган тасвир.

Статуэтк - асосан қаттиқ материалдан ишланган кичик ўлчамдаги ҳайкалтарошлик асари.

Стек - пластмасса ва ёғочдан тайёрланган ҳайкалтарошлик куроли.

Тош - ҳайкалтарошлиқда ишлатиладиган қаттиқ табиий материал.

## **Тарбиячилар учун фойдали маслаҳатлар**

Ҳайкалтарошлиқ машғулотларида имкон қадар ўйин элементларидан ўринли ва самарли фойдаланинг.

Машғулотлар орасида жисмоний машқлар антрактини ўтказиб туринг.

Машғулот давомида болаларнинг ўтириш холатини назорат қилиб боринг. Улаларнинг оёқлари полга тўлиқ тегиб туриши керак. Акс ҳолда қон айланиши бузилиши мумкин.

Топшириқни бажараётганда болалар кўкраклари билан столга тираниб ўтирмасинлар. Чунки кўкрак қафасига тушган босим юрак фаолиятига салбий таъсир ўтказади.

Ясалаётган ҳайкалча билан болаларнинг кўзи орасидаги масофа 30 сантиметр бўлиши тавсия этилади.

Кузатиб боринг ва ҳамда болаларга эслатиб туринг: улар лой ёки пластилин юққан қўллари билан кўз, бурун ва лабларини ишқаламасинлар.

Болалар ҳар бир машғулот сўнгига қўлларини совунлаб ювсинлар.

## ИЛЛЮСТРАТИВ МАТЕРИАЛЛАР



3-сinf “Тасвирий санъат” дарслигига берилган “Тойчоқ ҳайкалчаси ишлаш” мавзусига оид иллюстрация. Ундан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари методик тавсия, иллюстратив материал сифатида фойдаланишлари мумкин.

### Tuya haykalini ishlash bosqichlari.



Loy yoki plastilindan katta bo'lak olib, tekislanadi.



Tuya tanasi va oyoglari shakliga keltiriladi.



Bosh qismi yasaladi.

Tanasi va boshi birlashtiriladi.



Kichik bo'lakkaldan tuyaning quloglari va dumni yasaladi.



Yakuniy ishllov beriladi.



Alohiba-alohiba ishlangan ot va tuya haykalchalarini birin-ketin terib, ularga yuklarni ortib, bir



З-синф “Тасвирий санъат” дарслигига берилган “Туя ҳайкалчасини ишлаш” мавзусига оид иллюстрациядан мактабгача ёшдаги болаларга тия ҳайкалини ишлаш босқичини ўргатишда иллюстратив-методик материал сифатида фойдаланишлари мумкин. Чунки унда жараённинг ҳар бир босқичи кўрсатиб берилган.



*Жұлдосбек Күттимуротов.  
Анахита – сүв ва ҳосилдорлик худоси .  
Ёғочдан ишланған ҳайкал*


**ЛОЙ ЁКИ ПЛАСТИЛИНДАН  
ТУРЛИ ШАКЛДАГИ БҮЮМЛАР ЯСАШ  
ТАРТИБЛАРИ**





Хайкалтарош устахонас�다

**БОЛАЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАНГАН  
ХАЙКАЛТАРОШЛИК НАМУНАЛАРИ**



## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг мақсади ва вазифалари .....	7
Ҳайкалтарошлиқ тасвирий фаолият тури сифатида .....	9
Ҳайкалтарошлиқ машғулотларида кўлланиладиган жиҳоз ва материаллар .....	11
Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган ҳайкалтарошлиқ машғулотларининг турлари ва мазмуни.....	21
Ҳайкалтарошлиқ машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси .....	44
Болалар томонидан бажарилган пластик ишларнинг хусусиятлари .....	51
Ҳайкалтарошлиқ машғулотлари учун намунавий ишланмалар .....	55
Хулоса .....	95
Фойдаланилган адабиётлар .....	96
Илова .....	98
Ўзбекистон ҳайкалтарошлари .....	98
Ҳайкалтарошлиқ атамаларининг изоҳли луғати .....	103

## **АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ**

### **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲАЙКАЛТАРОШЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ**

### **БОЛАЛАРДА ПЛАСТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ШАКЛ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ**

**Тарбиячилар учун илмий-методик қўлланма**

Муҳаррир:  
Мусаххих:  
Компьютерда  
саҳифаловчи:

Х.Худайбердиев  
А.Зокиров  
М.Холиков

Босишига рухсат этилди 04.09.2015.  
Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма табоғи 7.  
Буюртма №04/09. Адади 400 нусха.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика  
фанлари илмий тадқиқот институти  
«Riso EZ 200 E» нусха кўчириш  
мосламасида чоп этилди.